QONUNCHILIK VA HUQUQ-TARTIBOT UCHUN

# POSTDA

GAZETA 1930-YIL 12-MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN • 2009-yil 11-iyul, shanba • №28(3818)

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

# ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўртача ҳисобда 1,25 баравар оширилсин.

2. 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 33 645 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 66 660 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – ойига 33 645 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 66 660 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 40 375 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 22 октябрдаги ПФ-4042-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан бир ҳафта муддатда қарор қабул қилсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри, 2009 йил 8 июль*

МУСТАҚИЛЛИК МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

## КЎЗ ҚОРАЧИҒИДАЙ АСРАЙМАН!

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ички ишлар идоралари фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди. Юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга маънан етук, жисмонан бақувват йигит-қизлар танлов асосида хизматга қабул қилиниши йўлга қўйилди. Уларнинг самарали хизмат қилишлари учун эса барча зарур шароитлар яратиб берилган. Жумладан, мен хизмат қилаётган вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБда турли русумдаги замонавий автотранспортлар ҳамда алоқа воситалари, компьютерлар ходимларимиз ихтиёрида. Соҳадаги бундай имконият ва шароитларга мустақиллик туфайли эришилганлигини алоҳида эътироф этмоқчиман. Ўтган йили жамоат тартибини сақлаш ҳамда жиноятчиликка қарши кураш борасидаги камтарона хизматим раҳбарият ва Юртбошимиз томонидан юксак баҳоланди ва «Жасорат» медали билан тақдирлашди. Бу юксак ишонч зиммамга янада кўпроқ масъулият юклади. Ҳар доим ҳушёр бўлиб, юрт тинчлиги, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш йўлида самарали хизмат қилишга ундамоқда.




Ёшларнинг янгидан-янги ютуқларга эришиши, юксак марраларни эгаллашлари учун ғамхўрлик ва доимий эътибор кўрсатилаётган юртда яшаётганимдан фахрланаман. Бутун билим, маҳорат, ғайрат-шижоатимни мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида сафарбар этиб, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини кўз қорачиғидай асрайман.

**Гулимбой ДЎСИМОВ,**
**Хоразм вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони гуруҳ командири, катта сержант, «Жасорат» медали соҳиби.**

«ҒАЛЛА – 2009»

## ХИРМОН ЮКСАЛИБ БОРМОҚДА



**Тошкент вилояти ғаллакорлари бу йилги ҳосилни нест-нобудгарчиликсиз йиғиб-териб олишмоқда. Гарчи донни давлатга сотиш режаси бажарилган бўлса-да, ўрим-йиғим қизғин давом этаяпти. Айниқса, яқинда ўроққа тушган Қибрай тумани ғаллазорларида иш авжида. Туманнинг «Оққовоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Қибрай – Исроилова Рисмиқжон» фермер хўжалиги далаларида ўримга яқинда киришилганига қарамай, иш суръати қизғин бораяпти. Ички ишлар ходимлари дон талон-тарож бўлишига йўл қўймаётгани хирмон юксалиб боришида катта аҳамият касб этаяпти.**



**Суратда:** *тумандаги 153-милиция таянч пункти профилактика катта инспектори, капитан Б. Туляев пешқадам хўжалик раҳбарлари Д. Мубораков ва Эркин Умрзоқов билан ҳосил «чўғини» чамалашмоқда.*

**Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**

## УШБУ СОНДА:




БЕМОРГА ТАБАССУМ УЛАШИШ БАХТИ 4

ПРОФИЛАКТИКА ХИЗМАТИ

СЕРГАК, ҲУШЁР ВА... БИЛИМЛИ БЎЛСИН 5

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

СУД – ЭНГ ОЛИЙ ҲАКАМ 6



МАЪРИФАТ ДАРСИ

ҲАМИД ОЛИМЖОН ШЕЪРЛАРИДА ДИЁР МАДҲИ 11



САЛОМАТЛИК ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

ҚУЁШ НУРИНИНГ ФОЙДАЛИ ВА ЗАРАРЛИ ЖИҲАТЛАРИ 14

ЖАННАТ ҚИДИРИБ... 16

*БМТ маълумотларига қараганда, ҳар йили икки ярим миллиондан зиёд киши одам савдосидан жабр чекмоқда.*

## ЎЗБЕКИСТОН



## ҲАФТА ИЧИДА

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар комплексининг 2009 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Комплекс таркибига кирувчи идораларда ижро интизомининг аҳволи алоҳида таҳлил этилиб, жойларда бу борада йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларга барҳам бериш ҳамда ижро интизомини таъминлашда раҳбарлар ҳамда мутахассисларнинг шахсий масъулиятини ошириш, ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш юзасидан аниқ топшириқлар берилди ва қарорлар қабул қилинди.

**● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг парламентдаги фракцияси ташаббуси билан Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг шу йил 14 июнда Москва шаҳрида бўлиб ўтган сессияси якунларининг муҳокамаси бўлиб ўтди. Сўзга чиққанлар ОДКБ КСОР тўғрисидаги битим юзасидан Ўзбекистоннинг принципиал позициясини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар ва ташкилот доирасида қарорлар қабул қилиш чоғида ОДКБнинг Устави ва асосий ҳужжатларининг, Ташкилотга кирувчи мамлакатлар миллий қонун ҳужжатларининг талабларига оғишмай риоя этиш зарурлигини, уларни инкор этиш ОДКБ ичида қарама-қаршиликлар ва келишмовчиликлар юзага келиши учун замин яратиши мумкинлигини таъкидладилар.**

**Мажлис якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.**

● Тошкентда «Сайловлар ва замонавий парламентаризмнинг ривожланиш масалалари: Ўзбекистон тажрибаси» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда демократик қурилиш, шу жумладан, замонавий парламентаризмни, сайлов қонунчилигини шакллантириш, эркин, ошкора ва адолатли сайловларни ўтказиш бўйича тўпланган тажрибанинг кўплаб давлатлар учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

**● Пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Гулла, яшна, гўзал Тошкентим!» мавзуида болалар бадиий ижодиёти фестивали бўлиб ўтди. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган ушбу тадбирда пойтахтимиздаги ўқувчилар ижодиёт марказларининг бадиий жамоалари ижросида мусиқий дастур намойиш этилди.**

**ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

# ТАЙИНЛАНДИЛАР



**Андижон вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, подполковник Холматжон Аҳмедович САЙДАЛИЕВ.**

Холматжон Аҳмедович Сайдалиев 1963 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент Автомобиль ва йўллар институтини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1985 йилда Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар ИИБ ДАНБ муҳандиси лавозимидан бошлаган. 1991–2009 йилларда Тошкент вилояти ИИБ ДАНБ взвод командири, ЙПХБ катта инспектори, рота командири ўринбосари, ДАНБ навбатчилик қисми катта инспектор-навбатчиси, ЙҲХБ ахборот диспетчерлик хизматининг бошлиғи, ЙҲХБ бошлиғи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.



**Самарқанд вилояти Пайариқ тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Ботир Қўзибоевич ТУРСУНОВ.**

Ботир Қўзибоевич Турсунов 1963 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1984 йилда Самарқанд шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими милиционери лавозимидан бошлаган. 1990–2009 йилларда Самарқанд вилояти Қўшработ тумани ИИБ ахлоқ тузатиш ишлари инспекцияси инспектори, ЖҚБ катта тезкор вакили, Самарқанд вилояти ИИБ ЖҚБ катта тезкор вакили, бўлинма бошлиғи, Қўшработ, Боғишамол, Нарпай туманлари ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

ҚОНУН ВА ИЖРО

# ОДАМ САВДОСИ – БАШАРИЯТ МУАММОСИ

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида «Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши курашиш: муаммо ва ечимлар» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифий маркази ҳамкорлигида ташкил қилинди.**

Анжуманда Одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоятлар Идоралараро комиссиялари масъул котиблари, республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармасининг жойлардаги бўлимлари раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.



Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги йилларда миграция, шу жумладан, давлатлараро ноқонуний миграция жараёнларининг ўсиши асносида одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар сони кўпаймоқда. Халқаро экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, дунё миқёсида одам савдосидан олинадиган йиллик даромад тобора ортиб бормоқда. Аниқроқ айтганда, ўтган йили айни жиноий хатти-ҳаракат мазкур савдо корчалонларига етти миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад келтирган. Бу эса гиёҳвандлик воситалари ва қурол-яроғ савдосидан кейин учинчи ўринни ташкил этади.

БМТ маълумотларига қараганда, ҳар йили икки ярим миллиондан зиёд киши одам савдосидан жабр чекмоқда. Уларнинг 600 000 – 800 000 нафарини аёллар ва болалар ташкил этаётир. Одам савдоси нақадар жиддий трансмиллий уюшган жиноят экани борган сари аёнлашмоқда. Ана шуларни инобатга олиб, Ўзбекистонда ушбу жиноятга қарши курашиш йўлида қонуний асосда чора-тадбирлар кўрилмоқда. 2008 йил апрель ойида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни бу йўлда ҳал қилувчи қадам бўлди. Таъбир жоиз бўлса, мазкур қонуннинг қабул қилиниши аҳамияти жиҳатдан суд-ҳуқуқ ислоҳотларида муҳим янгилик бўлган ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳамда «хабеас корпус» институтининг амалиётга жорий этилишидан кам эмас.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси ташкил этилди. Комиссия аъзолари ва доимий фаолият кўрсатувчи ишчи гуруҳи тузилди ҳамда Низоми тасдиқланди.

Бугунги кунда барча манфаатдор вазирликлар ва идоралар мазкур иллатга қарши курашишда ягона дастур асосида ишлаб чиқилган режа бўйича ҳамкорликда кенг кўламли иш олиб бормоқда. Илмий-амалий конференцияда ана шулар хусусида атрофлича тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, анжуман иштирокчилари шўъбаларга бўлинган ҳолда амалиётчи мутахассислар ва олимларнинг одам савдосига қарши курашиш борасида кенг жамоатчилик, жумладан, маҳалла фаоллари, хотин-қизлар қўмиталари ҳамда Одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят, туман ва шаҳар Идоралараро комиссиялари масъул котиблари олдидаги асосий вазифалар юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсиялари кенг муҳокама қилинди.

Анжуман доирасида одам савдоси муаммосига бағишлаб чоп этилган янги адабиётларнинг тақдимот маросими ҳам бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси А. Аҳмедов қатнашди.

**Ўз мухбиримиз.**

ТАДБИР

**Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ХЧК ва ФРБда соҳада юритиладиган автоматлаштирилган ахборот тизимлар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда улардаги электрон ахборот ресурсларидан фойдаланиш тартиби бўйича ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ шаҳар ва туман ИИБлари бошлиқларининг ўринбосарлари, ХЧК ва ФРБ бошлиқлари, катта инспекторлари ва бошқа ходимлари иштирок этди.**

# ЎҚУВ-СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ХЧК ва ФРБ Аҳолини паспортлаштиришнинг автоматлаштирилган ахборот тизими республика маркази бўлим бошлиғининг ўринбосари, майор Азиз Тангиров, «ASBT» масъулияти чекланган жамиятининг мутахассислари Искандар Мирзаев ва Зафар Мираҳмедов Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва вазирлик томонидан бу йўналишда олиб борилаётган ишлар тўғрисида сўз юритишди. Шунингдек, жойлардаги автоматлаштирилган ахборот тизимлар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда улардаги электрон ахборот ресурсларидан фойдаланиш хусусида батафсил тушунча беришди.

**А. ЖИЕМУРАТОВ,**
**капитан.**

АНЖУМАН

# ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА – АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

**Тошкент шаҳар ИИББда аёл ҳуқуқларига бағишланган «Муқаддассан аёл» мавзуида конференция бўлиб ўтди.**

Пойтахт ИИББ ва Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар минтақавий вакили, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, республика «Оила» илмий-амалий маркази, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Тошкент шаҳар ҳокимияти, прокуратураси, адлия, соғлиқни сақлаш бошқармалари, жамоат ташкилотлари мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Шунингдек, тадбирга пойтахт туманлари ИИБлари раҳбарлари, хотин-қизлар кенгашлари раислари таклиф қилинди.

Сўзга чиққанлар аёлларнинг жамиятдаги мавқеи, ўрни, қадр-қимматини ошириш, ижтимоий, маънавий ҳуқуқларини кафолатлаш борасида юртимизда олиб борилаётган хайрли ишлар хусусида тўхталдилар. Шу билан бирга, хотин-қизларга дахлдор қатор муаммолар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Анжуман қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Ўз мухбиримиз.**

БРИФИНГ

# ЭПИДЕМИОЛОГИК ВАЗИЯТ БАРҚАРОР

**Пойтахтимиздаги «Дедеман» меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси вазирлик ва идоралари ахборот хизматлари ходимлари учун брифинг ташкил этилди. ЮНИСЕФ Болалар жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан уюштирилган мазкур тадбирда ИИВ Матбуот маркази ходимлари ҳам иштирок этишди.**

Унда Соғлиқни сақлаш вазирлиги етакчи мутахассиси Д. Турсунова ва ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари ўринбосари А. Шилакадзе сўз олиб, юртимизда парранда гриппининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида гапириб беришди. Шунингдек, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, республика санитария-эпидемиология назорат маркази мутахассислари томонидан мазкур масала борасида дунёдаги ва юртимиздаги мавжуд вазият, касалликнинг олдини олиш юзасидан жойларда ўтказилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар ҳақида батафсил маълумот тақдим этилди.

Қайд этиш жоизки, жорий йилнинг 6 ойи давомида дунёнинг иккита қитъасидаги учта давлатда парранда гриппи билан боғлиқ 36 та ҳолат аниқланди. Тўғри, Ўзбекистонда эпидемиологик вазият бирмунча барқарор. Бироқ қушларнинг юртимиз ҳудудидан учиб ўтиши парранда гриппининг тарқалиши хавфини кучайтириши мумкин. Мутахассисларнинг маълумотига кўра, республикамиз ҳудудидан ҳар мавсумда 40 турга яқин 15-16 миллион ёввойи қуш учиб ўтади. Шу боисдан бу масалага жиддий эътибор қаратиш зарур.

Брифинг қатнашчиларига парранда гриппига қарши кураш масаласида Матбуот хизматларининг оммавий ахборот воситалари билан ишлаш услублари бўйича тегишли йўл-йўриқлар берилди.

**Ўз мухбиримиз.**


E-mail: urmvd@inbox.uz

АМАЛИЁТ

# ТИНГЛОВЧИЛАР ФАОЛЛИК КЎРСАТИШМОҚДА

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ.** ИИВ Академиясининг 127 нафар тингловчиси Тошкент шаҳар ИИББ соҳавий хизматларида амалиёт ўтамоқда. Олий ўқув юртининг 1 ва 2-курс тингловчилари танишув амалиёти, 3-курс тингловчилари эса тўлиқ амалиётда иштирок этишяпти. Хусусан, Юнусобод тумани ИИБда 24 нафар тингловчи тергов, эксперт-криминалистика, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматларига бириктирилди.

— Тингловчиларимизнинг назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилди, — дейди Юнусобод тумани ИИБ бўйича амалиёт раҳбари, ИИВ Академияси ўқитувчиси, майор Икром Хўжаназаров. — Тингловчилар жиноятларнинг олдини олишда профилактика инспекторлари, эксперт-криминалистлар, терговчилар ва тезкор ходимларнинг ўзаро ҳамкорликлари қандай амалга оширилаётгани билан яқиндан танишиб, тадбирларда бевосита иштирок этмоқдалар. Уларга соҳавий хизматларда камида уч йил хизмат қилган тажрибали ходимлар мураббий этиб бириктирилгани назарий билимларни амалиёт билан мустаҳкамлашда қўл келмоқда.

Айтиш жоизки, профилактика хизмати бўйича тингловчилар жойлардаги милиция таянч пунктларида маъмурий ҳужжатлар тўлдириш, вояга етмаган ҳуқуқбузарлар ва уларнинг ота-оналари, жанжалкаш оилалар баробарида ишлашни ўрганиш маҳалла, муассасаларда ўтказилган профилактик тадбирларда иштирок этиб, ҳисоботлар тайёрлашда профилактика инспекторларига ёрдам беришмоқда.

Тергов фаолияти мутахассислиги бўйича эса амалиётчилар суриштирув ҳаракатларини олиб бориш, жиноят иши қўзғатиш ва қарор чиқариш кабиларни туман ИИБ тергов бўлими бўлинма бошлиғи, майор Олим Мирзаев ёрдамида бевосита амалга ошириб, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилишда ҳам иштирок этишяпти.

**Абу КЕНЖАЕВ.**



**Суратда:** ***майор Олим Мирзаев амалиётчиларни соҳага доир ишлар билан яқиндан таништирмоқда.***
**Муаллиф олган сурат.**

**ЖИЗЗАХ.** Вилоят ИИБда амалиёт ўтаётган ИИВ Академиясининг биринчи ва иккинчи курс тингловчилари бошқарма ва бўлимлар иши, ИИБ навбатчилик қисмининг аризалар ва шикоятлар, шу жумладан, жиноятлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш тартиби, уларни текшириш, ҳал этиш фаолиятини ташкиллаштирилиши ҳамда ППХ ва ЖТСБ хизматининг асосий вазифалари билан танишиб чиқмоқда. Учинчи курс тингловчилари эса тергов, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, тезкор-қидирув, эксперт-криминалистика мутахассисликлари бўйича кўникма ва дастлабки тасаввурларни шакллантириб, амалий билимларини бойитмоқда.

Тингловчилар тезкор тадбирларда ҳам иштирок этишмоқда. Жумладан, Жиззах шаҳрида яшовчи С. Хан ва М. Иноятованинг наркотик моддани сақлаш, истеъмол қилиш ҳамда сотиш билан шуғулланаётганликлари фош этилди. Бир неча кун давом этган тезкор тадбирда Жиззах шаҳар ИИБ тезкор вакиллари, капитанлар О. Ботиров, Л. Исаев мураббийлигида иш ўрганаётган тингловчилар О. Эркабоев ва Ф. Юсупов фаоллик кўрсатдилар. Гиёҳфурушларни қўлга олиш чоғида улардан беш дона елим халтага ўралган 10,1 грамм героин ва 2,3 грамм опий моддаси далилий ашё сифатида олинди.

Бундай тадбирларда бевосита иштирок этиш тингловчиларнинг амалий кўникмаларини мустаҳкамлаб боради.

**Б. БЕГИМҚУЛОВ.**

ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

## ХОТИРЖАМЛИККА КАФОЛАТ

Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар ИИБ ташаббуси билан «Мажидий» театрида шаҳар ИИБ, прокуратура, божхона инспекцияси ходимлари ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакилларининг аҳоли билан учрашуви бўлиб ўтди. «Ўз уйингни ўзинг асра!» шиори остида ўтган мазкур тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашга ҳар бир фуқаро масъул эканлигини таъкидлаб, барчани огоҳликка чақиришди. Шунингдек, шаҳарда озодаликка риоя этиш ҳамда ободонлаштириш ишларида фаоллик кўрсатиш зарурлигига тўхталиб ўтишди. Болажонларнинг ёзги таътили мароқли ва фойдали ўтиши ҳам учрашув иштирокчилари диққат марказида бўлди.

Бундан ташқари, спорт ва маданий тадбирлар бўйича режа ишлаб чиқилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда «Спорт гиёҳвандликка қарши», «Ўз уйингни ўзинг асра!» шиори остида ўтказиладиган мусобақалар шулар жумласидандир.

**Дилбар САЛОХИДДИНОВА.**
*Самарқанд вилояти.*

ЁШ АВТОНАЗОРАТЧИЛАР СЛЁТИ

## ЭСТАФЕТА ФАРҒОНАЛИКЛАРГА ТОПШИРИЛДИ

**Болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, уларни турли фалокатлардан асраш ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаларидан бирига айланган. Бу ҳақда жуда кўп гапирилган, ёзилган ва ҳамон бу мавзу кун тартибидан тушгани йўқ.**

Мамлакатимиз автомобиль йўлларида содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисалари таҳлили болалар билан кўпроқ иш олиб бориш зарурлиги, уларга хавфсиз ҳаракатланиш талабларини мунтазам ўргатиб бориш кераклигини кўрсатмоқда. Республика ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси томонидан амалга оширилаётган тадбирлар ижобий самара бераяпти. Жумладан, мактаб ўқувчиларининг ёзги таътили даврида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, уларга «Йўл ҳаракати қоидалари»ни ўргатиб бориш, тарғибот ишлари самарадорлигини ошириш, болалар иштирокида содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларини камайтириш, улар билан «Йўл ҳаракати қоидалари»га оид учрашувлар, суҳбатлар ўтказиш мақсадида махсус «Таътил» тадбирининг режаси ишлаб чиқилиб, ижросини таъминлаш учун жойларга юборилди.

Ушбу режага асосан барча оромгоҳларга Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ бошлиқларининг буйруқлари билан профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари ва Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларини бириктириш, оромгоҳларда ҳаракат хавфсизлиги бурчаклари ва автомайдончалар ташкил қилиш, уларни «Йўл ҳаракати қоидалари» қўлланмаси, ҳаракат хавфсизлигини тарғиб қилувчи турли хил расмлар, кўргазмали қуроллар билан жиҳозлаш белгиланган. Бундан ташқари, оромгоҳларда ёш автоназоратчилар гуруҳларини тузиш ва улар ўртасида турли мусобақалар, викториналар ўтказиш, ғолибларни рағбатлантириб бориш, оромгоҳларга бормаган болалар ўртасида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан маҳалла фаоллари, ота-оналар иштирокида учрашувлар ўтказиш кўзда тутилган.

Таътил вақтида бошқа бир қатор тадбирлар ҳам ўтказиб келинмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Қизил ярим ой жамияти Миллий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва «Автоҳамроҳ» журналининг қўшма қарорига асосан шу йил 29 июнь — 1 июль кунлари Тошкент вилояти Паркент туманидаги "Бойчечак" болалар оромгоҳида йўл ҳаракати ёш назоратчиларининг республика слёти ўтказилди. Иштирокчилар «Пиёдалар ҳаракати», «Ҳаракатни тартибга солиш», «ЙТҲда жароҳатланганларга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш», «Ёш велосипедчи», «ЙҲҚдан назарий имтиҳон», «Макет ясаш», «Радио тўлқинлари орқали бошқариладиган транспортлар ҳаракати», «Тарғибот гуруҳларининг чиқиши» каби 8 тур бўйича ўзаро беллашишди.

Мусобақа якунига кўра ғолибликни қўлга киритган жамоаларга вазирлик ва ташкилотлар томонидан таъсис этилган мукофотлар топширилди. Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 40-ўрта мактаб жамоаси юқори ўринни эгаллади.

Навбатдаги слётни ўтказиш эстафетаси Фарғона вилояти ёш автоназоратчиларига топширилди.

**Мансуржон РИХСИЕВ, подполковник.**

## ЖАҲОН АЙВОНИДА



### «КАТТА САККИЗЛИК» САММИТИ

Айни кунларда Италиянинг Аквила шаҳрида «катта саккизлик»ка аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги саммити бўлиб ўтмоқда.

Буюк Британия, Франция, Германия, Италия, Япония, Россия ва АҚШ мамлакатлари етакчилари иштирок этаётган мазкур тадбирда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, иқлим ўзгариши муаммолари ҳамда ривожланаётган давлатларга ёрдам кўрсатиш масалалари муҳокама этилмоқда.

### ТИК ТУРИБ УЧУВЧИ ЙЎЛОВЧИЛАР

Хитойнинг «Spring Airlines» хусусий авиакомпанияси ўсиб бораётган авиайўловчилар оқимини камайтириш ва улар эҳтиёжини қондириш учун самолёт ўриндиқлари сонидан ортиқча одам олиш, яъни тик туриб учиши ихтиёр этганлар учун махсус чипта сотишни мўлжаллашмоқда.

### АРМИЯДА ЯНГИ ҚЎМОНДОНЛИК

Россия Қуролли Кучлари таркибида янги тизим – ҳаво-космик мудофаа бирлашган стратегик қўмондонлиги ташкил этилди.

Мазкур янги ҳарбий таркибни шакллантириш шу йил охиригача якунланади.

### ЯНА ҚАРОҚЧИЛАР ҲУЖУМИ

Сомалилик қароқчилар Туркияга тегишли юк кемасини гаровга олди, дея хабар беради **«AFP» ахборот агентлиги.**

Кема бортида 23 киши борлиги айтилмоқда. Халқаро денгиз бюроси томонидан жорий йил бошидан буён жиноятчиларнинг кемаларга қилган ҳужумлари сони 2008 йил давомида кузатилган ана шундай ҳолатлардан ортиб кетгани қайд этилди.

### МОДДИЙ ЁРДАМ АЖРАТИЛДИ

Хитой ҳукумати Урумчи шаҳрида бўлиб ўтган оммавий тартибсизликлардан жабр кўрган фуқароларга моддий ёрдам кўрсатишга қарор қилди.

**Ахборот агентликлари** хабарига кўра, мазкур тадбир учун 14,6 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган. У тўс-тўполонда ҳалок бўлганларнинг оилаларига ҳамда жароҳатланганларга берилади.

### ОММАВИЙ ЗАҲАРЛАНИШ

Ҳиндистоннинг Аҳмадобод шаҳрида қўлбола спиртли ичимликдан одамларнинг оммавий заҳарланиши кузатилди.

Бу ҳақда **«Peuters» ахборот агентлиги** мамлакат полицияси маълумотлари асосида хабар тарқатди. Сифатсиз маҳсулот истеъмол қилганлардан 65 нафари заҳарланиб вафот этган. Воқеа юзасидан текшириш ишлари олиб борилмоқда.

**Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

 *Барнохон ўзига жилмайиб қараб турган «халоскори»га раҳмат айтиб, хонадан мамнун ҳолда чиқиб кетди.*

# СОҲА ФИДОЙИЛАРИ

***Одатда бирор касб ёки ҳунарга қизиқиш болалик чоғларда шаклланса керак. Чунки бу пайтда ўғил бола кўпроқ ўйинчоқ машина ўйнаб, ҳайдовчи бўлгиси келса, қизалоқ қўғирчоғини бағрига босиб эркалайди. Унинг соғлиғи учун қайғуриб, «энди нима қиламиз, дўхтирларга борамиз», дея юпатганини кўп эшитганмиз. Қиз боладаги ана шу куюнчаклик келажакда шифокор бўлишига замин яратса ажаб эмас.***

## БЕМОРЛАРГА ТАБАССУМ УЛАШИБ

Барнохон билан суҳбатлашганимизда бу фикрга қўшилди. У ҳам болалигида қўғирчоққа меҳр қўйгани, аммо дилидаги орзу онаси туфайли уйғонганини айтди. Ўша кезлари Жонон опанинг сиймосида кўз олдига эгнидаги оппоқ халат ўзига ярашган, хушбичим, ширинсўз шифокорлар келганини бот-бот эслайди. Айнан стоматолог бўлишига эса мактабда ўқиётган кезлари тиши оғриб қолгани сабаб бўлган. Ҳеч ёдидан чиқмайди, ўша куни туни билан оғриқ азоб бериб, мижжа қоқмади. Эртасига минг ҳадик билан шифокор-стоматологнинг хонасига кириб борди. У ўз касбининг устаси экан, «оппоқ қизим, ширин қизим» деб эркалаб, тишини оғритмай даволади. Барнохон ўзига жилмайиб қараб турган «халоскори»га раҳмат айтиб, хонадан мамнун ҳолда чиқиб кетди.

Шу воқеа сабаб бўлдию, унинг хаёлини келгусида стоматолог бўлиш истаги қамраб олди. Ниятини онасига айтган эди у ҳам маъқуллади. Барнохон 1987 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кирди. Олийгоҳни муваффақиятли тамомлагач, икки йил клиник ординатурада таълим олди. 1994 йилдан республика ИИВ Жазони ижро этиш Бош бошқармасига қарашли республика шифохонаси тиббий статистика хонасининг бошлиғи вазифасида ишлади. У ҳисоботлар тайёрлаш билан шуғулланар, шу билан бирга, ҳафтанинг маълум кунлари беморларнинг тишини даволарди. Бу орада билимини бойитиш мақсадида жарроҳлик стоматологияси йўналиши бўйича аспирантурада ўқиди. Кейин эса тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. Шаҳодатланиб, лейтенант унвони олди.

– Орзуим ушалганидан беҳад мамнунман, – дейди Барнохон Пўлатова. – Билазисми, мендан кўпинча нега бу касбни танлагансиз, ахир тиши оғриб турган одамни даволаш учун шифокордан катта куч, матонат, қолаверса, қанча асаб талаб қилинади-ку, деб сўрашади. Саволлари ўринли. Яна бир томони, бажараётган ишимиз жуда нозик. Чунки бемор ҳузуримизга кўп ҳолларда оғриқ билан, турли ҳолатларда келишади. Шу сабабли дастлаб уни таскин берувчи сўзлар билан тинчлантириш, кейингина даволашга киришиш лозим. Бунинг учун шифокордан хушмуомалалик, сабр-тоқат, қолаверса, тажриба талаб қилинади. Шифо топган бемор хонадан табассум билан чиқиб кетса, биз учун шунинг ўзи катта мукофот.



– Онангиз, республика ИИВ марказий поликлиникаси асаб хасталиклари шифокори Жонон опа Ҳакимованинг қайси фазилатларини ўзингизда мужассам этишга ҳаракат қилаяпсиз?

– У кишининг беморларга меҳри ўзгача. Уларни ҳеч қачон ажратмай, барчасига бир хил қарайдилар. Қабулига келган ҳар бир кишининг қалбига хушмуомалалик билан йўл топишлари лол қолдиради. Менга эса қизим, илгари бундай тўкис шароит йўқ эди, излан, билимингни бойит, эришган натижа билан чекланиб қолмагин, деб насиҳат қиладилар.

Она ўгитларига амал қилиб, соҳада муайян тажриба тўплаган Барнохон Пўлатова орадан вақт ўтгач профилактика бўлинмаси бошлиғи лавозимида фаолият кўрсата бошлади. Икки йилдан бери эса даволаш стоматология бўлинмасининг бошлиғи. У қўл остидаги шифокор-стоматологлар, ҳамширалар, тиббий фаррошлар, рентген ишини назорат қилади, шунингдек, беморларни даволайди. Улар дардига муолажалари, қалбига эса ширин сўзлари билан малҳам бўлаяпти.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда бўлинма замонавий асбоб-ускуналар ва хом ашёлар билан етарли даражада таъминланган. Барнохон зиммасидаги масъулиятли вазифаларни поликлиника бошлиғи, подполковник Саъдулла Муҳаммедовнинг ташкилотчилик қобилиятидан ўрнак олган ҳолда бажармоқда. Ҳақиқатан ҳам у кишининг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан муассасадаги шароит замон талабларига даражасига етказилди. Ҳар ҳафтада беморлар билан ишлаш жараёни муҳокама қилинаётгани, шанба кунлари замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланиш ва янги иш усулларини қўллаш бўйича машғулотлар ўтказилаётгани ҳам ўз самарасини бермоқда.

Барнохон умр йўлдоши, истеъфодаги подполковник Шавкат Пўлатов билан икки ўғлини тарбиялаб, вояга етказаяпти. Қайнонаси Наима Илҳомова болалар шифокори, синглиси Шаҳло Абдуллажонова ИИВ Тиббиёт бошқармасида бош психиатр. Шу сабабданми, ҳамкасблар бир даврага жамул-жам бўлишса суҳбат мавзуи ўзўзидан тиббиёт соҳасига кўчади. Бундай пайтда Барнохоннинг ўз касбига бўлган меҳри яққол намоён бўлади, ўринли мулоҳазалари атрофдагилар эътиборини тортади.

Ақл-заковати, билими, малакаси билан кўпгина ходимлар, шогирдларига нафи тегаётган майор Барнохон Пўлатова жамоада катта ҳурмат-эътибор қозонган. Ўзининг одамларга кераклигини ҳис қилиб яшаётгани эса танасига куч, руҳига қувват бағишламоқда.

**Саъдулла ШОДИЕВ.**

**Суратда:** ***майор Б. Пўлатова (чапдан ўнгга) ҳамшира Ф. Абдуманова билан беморнинг тиббий дафтарчасини кўздан кечирмоқда.***

**Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**

## УМР ДАФТАРИНИ БЕЗАГАН КАСБ

Шаҳарнинг гавжум кўчаларидан бирида хизмат вазифасини ўтаётган йўл-патруль хизмати инспектори яшил «Нексия»га тўхташ ишорасини қилди.

– Олдин ҳам шу инспекторга рўбарў келгандим, – қўллари билан рулни уриб, асабий ғудранди Ҳайитбой.

Машинани тўхтатган ҳайдовчи йўл назоратчисидан имкон қадар узоқроқ туриб гаплашишга ҳаракат қилар, тинмай сақич чайнаётганидан гаплари ҳам қовушмаётганди. Инспектор эса саволларига бериляётган жавобни аниқ эшитиш мақсадида унга қулоқларини яқин тутарди. Бу ҳам албатта ҳийлага қарши ҳийла эди. Ниҳоят у ички туйғусига таяниб ҳайдовчини шифокор кўригидан ўтказишга қарор қилди. Ҳийласи ўтмаган Ҳайитбой бир йил давомида иккинчи бор маст ҳолда машина бошқаргани учун тегишли жазони олди.

Бу воқеа Беруний тумани ИИБ ЙҲХБ автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини ва улардан фойдаланиш тартиб-қоидаларини назорат қилиш бўлинмаси инспектори, катта сержант Юлдаш Тожимов фаолиятидан бир шингил, холос.

– Қайси куни эканлиги эсимда йўқ, Беруний шаҳрига кираверишда ЙПХ инспектори тўхтатди. Қоидани бузмаган эдим-ку, деб ҳайрон бўлдим. Ўзини Юлдаш Тожимов деб таништирган ходим машина моторидан мой томиб келаётганини айтди. Дарҳол капотни очиб қарадим, карбюраторга уланган ичак жойидан чиқиб кетган экан. Инспекторнинг хушёрлиги боис, бахтсиз ҳодисадан сақланиб қолдик, – дейди «ВАЗ-469» русумли машина ҳайдовчиси Шерипбой Розимбетов.

Катта сержант Юлдаш Тожимов хизмат фаолиятини 1990 йил Беруний тумани ИИБ вақтинча ушлаб туриш ҳибсхонасида оддий милиционерликдан бошлаган. Орадан бир йил ўтгач разҳбарият ҳарбий хизматда чиниққан, Нукус автомобиль йўллари техникумида таҳсил олган ёш ходимни йўл-патруль хизматига ўтказди. Мана, ўн саккиз йилдирки, у мазкур соҳада фидойилик кўрсатиб хизмат қилиб келмоқда.

Яқиндагина эгнига ички ишлар ходими либосини кийган Қўнғирот тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходими, сафдор Азамат Тожимов акасининг ҳаёт йўлини безаётган эзгу ишларига ҳавас қилиб, шу касбни танлади. Ҳозирда у ҳам худди акаси каби эл-юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида бор билими ва маҳоратини ишга солаяпти.

**Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ, «Постда» мухбири.**
*Қорақалпоғистон Республикаси.*

## ШОГИРД ЭДИ, УСТОЗ БЎЛДИ

Булоқбоши тумани Кулла қишлоғидаги хонадонларнинг бирида – тўй давом этарди. Бироқ кўпдан бери орзиқиб кутилган никоҳ кечасида кўнгилсиз воқеа рўй берди. Тўйга ташриф буюрган Бекзод ва Улуғбек маст ҳолда куёвни айём билан қутлашга ошиқишарди. Улар микрофон талашиб, хўп томоша кўрсатишди. Атрофдагилар икковини ажратишга ҳар қанча уринишмасин бирор натижа чиқмади. Йиғитлар жанжални кўчада давом эттиришди. Бекзод ердан тошни олдию, рақиби томон улоқтирди. Аксига олиб тош рақибга эмас, кўчадан ўтиб кетаётган бир йўловчининг бошига тегди. У мия чайқалиши ва бош-мия жароҳати билан касалхонага ётқизилди. Т. Бекзодга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

– Тергов жараёнида Т. Бекзод айбига тўлиқ иқрор бўлди, – дейди Булоқбоши тумани ИИБ тергов бўлинмаси катта терговчиси, капитан Алишер Абдураҳмонов. – У жабрланувчидан кечирим сўраб, тез-тез хабар олиб турди. Бекзод қилмиши учун уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум этилиши мумкин. Тергов ишлари якунланиб, судга юборилди.

5 июнь куни «Булоқбоши – Кулла» автомобиль йўлида йўл-транспорт ҳодисаси содир этилди. Кулла қишлоғида яшовчи Р. Мурод «Хавфли бурилиш» йўл белгиси бўлишига қарамай, «Тико» автомашинаси тезлигини оширвб ҳайдади. Натижада бошқарувни эплолмай йўл четида бораётган аёлни туртиб юборди. Жабрланувчи касалхонага етиб бормай, йўлда оламдан ўтди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

– 2003 йилда Бўз туманида мол ўғирлаш жиноятлари кўпайган эди. Шу кезлари мени туман ИИБга терговчи қилиб тайинлашган, – дея суҳбатни давом эттирди капитан А. Аб-



дурахмонов. – Тезкор ходимлар жиноятчиларни аниқлаш учун туну кун иш олиб боришарди. Кунларнинг бирида моли ўғирланган аёл сигирини бозорда икки шахс сотаётганини кўриб қолади. Ўғирликда гумонланганлар қўлга олинди. Тергов чоғида жиноятчиларнинг қилмиши фош этилди. Уларнинг бирида «Нексия» автомашинаси бўлиб, унда туманнинг энг чекка қишлоқларида «ўлжа» излаб айланиб чиқишарди. Ярим тунда мўлжалланган манзилга келиб, ўриндиқлари олиб ташланган машина салонига жониворни жойлаштиришарди. Ўғирланган молни асосан ўз қариндошларига пуллашарди. Ўғрилар қилмишларига яраша жазо олишди. Шуниси ажабланарлики, уларнинг ҳар иккиси ҳам ўзига тўқ оиладан экан. Ноҳўя йўл билан топилган пулларни айш-ишратга сарфлаб келишган.

Катта терговчи, капитан Алишер Абдураҳмонов тергов соҳасида кўп йиллардан буён фаолият юритиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида таҳсил олгандан сўнг, Андижон шаҳар ИИБ тергов бўлинмасида терговчи-стажёр бўлиб иш бошлади. Кейинчалик Бўз, Хўжаобод туманлари ИИБлари терговчиси вазифасида ишлади. 2006 йилда уни Булоқбоши тумани ИИБ тергов бўлинмаси катта терговчиси этиб тайинлашди. Подполковник У. Ибрагимов, майорлар К. Шерматов, Х. Муҳаммаджонов унга хизматнинг сир-асрорларини ўргатиб, устозлик қилдилар. Ҳозирда А. Абдураҳмоновнинг ўзи ҳам шогирдлар тайёрлаяпти. Терговчи, лейтенант Бобуржон Рўзиевга тажриба оширишда яқиндан кўмаклашиб келмоқда.

**Борис КЛЕЙМАН.**
*Андижон вилояти.*

**Суратда: капитан А. Абдураҳмонов.**

ПРОФИЛАКТИКА ХИЗМАТИ

# МАҲАЛЛА ПОСБОНИ: СЕРГАК, ҲУШЁР ВА... БИЛИМЛИ БЎЛСИН

**Ватан остонадан бошланади, дейди машойихлар. Қадрдон уйимиз, маҳалла ва юртимиз тинчлигига эришиш, уларнинг осойишталигини кўз қорачигидек асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.**

**Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашнинг кафолати, шубҳасиз, тинчлик, осойишталик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдан иборат. Бу борада ҳуқуқ-тартибот идоралари билан бир қаторда жамоатчилик, айниқса, "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаларининг ҳамкорликдаги фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Бугунги кунда мазкур тузилмалар сафларида жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом, юксак инсоний фазилатлар ва кенг дунёқарашга эга минглаб юртдошларимиз жиноятчиликнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлаш борасида ҳуқуқ-тартибот идораларига кўнгилли равишда ёрдам бериб келмоқда. Халқимиз ва Ватанимиз манфаати йўлида сидқидилдан хизмат қилиб, ўз уйи ва маҳалласи осойишталигини сақлашга ҳисса қўшаётган бундай кишиларнинг фаолияти таҳсинга сазовор.

2008 йил 5 мартда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқарувининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида ташкил этилган "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қўшма қарори қабул қилинган эди. Ўтган давр мобайнида мазкур ҳужжат талабларидан келиб чиққан ҳолда республикамизда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, фуқароларнинг оилада ва маҳаллада тинч, осойишта ва ҳамжиҳат яшашларини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш мақсадида минтақаларда фуқаролар йиғинлари раислари, "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари сардорлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар ва жойлардаги ички ишлар ходимлари иштирокида кенгайтирилган семинар-кенгашлар ўтказилди.

Ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим дастур бўлиб хизмат қиладиган услубий қўлланма 8000 нусхада тайёрланиб, маҳалла посбони сардорларига етказиб берилди. Юқорида номи зикр этилган қўшма қарор асосида мониторинг ўтказилиб, ўз вазифасини бажармаётган 4266 нафар маҳалла посбони аниқланди ва фуқаролар йиғини қарорига асосан "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари сафидан чиқарилди. Уларнинг 401 нафарини жамоат тузилмалари сардорлари ташкил қилади.

– Бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида 7969 та "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси ташкил этилган бўлиб, улар сафида 52 мингдан зиёд фуқаро жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олишда ҳуқуқ-тартибот идораларига яқиндан кўмаклашиб келмоқда, – дейди ИИВ ҲООББ бошлиғи ўринбосари, подполковник Ғанишер Эшонқулов. – Жорий йилнинг ўтган давр мобайнида посбонлар томонидан қарийб 85 минг ҳуқуқбузарлик аниқланди. Улар ёрдамида 3300 дан ортиқ жиноят фош этилди. Таъкидлаш жоизки, бевосита маҳалла посбонлари томонидан 430 дан зиёд жиноят очилди. Бу эътирофга арзийдиган жиҳатдир.

Юртимизда маҳалла посбонлари меҳнатини рағбатлантириш яхши йўлга қўйилган. Ана шу мақсадда уларга пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар бериш билан бир қаторда энг муносибларини ички ишлар идоралари хизматига қабул қилишга ҳам жиддий эътибор қаратилаётир. Тузилма аъзоларининг жонкуярлиги ва жойлардаги ички ишлар идоралари ходимлари билан ўрнатилган яқин ҳамкорлик туфайли республикамиздаги 4411 та маҳаллада умуман жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Таъкидлаш жоизки, "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари сардорларига кўп нарса боғлиқ. Афсуски, уларнинг барчаси ҳам бирдек ўзларига юклатилган вазифаларни яхши англаб, тўлалигича бажараётгани йўқ. Айни шу масала — уларнинг ўз ишига муносабатини аниқлаш, сиёсий онги, дунёқараши ва ҳуқуқий билими даражасини бугунги кун талабларидан келиб чиқиб баҳолаш мақсадида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан 2009 йил 4 январь куни "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари сардорларини шаҳодатдан ўтказиш тўғрисида"ги Қўшма қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжат асосида шаҳодатдан ўтказиш Марказий комиссияси тузилиб, унга турли жамоат ташкилотларидан малакали мутахассислар ва раҳбар ходимлар жалб этилди.

Республика миқёсида ўтказилган бу тадбир натижасида кўп нарсага ойдинлик киритилди. Гап шундаки, шаҳодатда қатнашган жами 7549 маҳалла сардоридан 650 нафарининг (8,6 фоизи) онги, дунёқараши бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Уларнинг аҳоли орасидаги обрўйи, шунингдек, ҳуқуқий билим даражаси ҳам етарли эмас, деб топилди. Ўз вазифасига совуққонлик билан ёндашаётган ана шундай сардорлар лавозимидан бўшатилди. Зеро, сардор билимли, уқувли ва ҳаётий тажрибага эга бўлган жойдагина том маънодаги осойишталик ҳукмрон бўлади.

Ҳа, маҳалла — муқаддас даргоҳ. Бу мўъжаз маконнинг осудалигини таъминлашда маҳалла посбонлари кенг жамоатчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда фаол иш олиб боришлари зарур. Ўзига ишониб топширилган вазифани виждонан ва ҳалол бажарган кишилар меҳнати эса ҳамиша жамоатчилик ҳамда эл-юрт эъзозига муносиб бўлаверади.

**Н.ОЧИЛОВ,**
**лейтенант.**

ЁЗ – ЎТМОҚДА СОЗ!

## НАВБАТ ИККИНЧИ БОСҚИЧГА

**Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ соғломлаштириш марказида хизмат пайтида ҳалок бўлган ички ишлар ходимларининг фарзандлари учун ёзги оромгоҳ ташкиллаштирилди. Биринчи босқичда ушбу масканда 11 нафар бола, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан 13 нафари кўнгилли ҳордиқ чиқариб, соғлиқларини тиклашди.**

**Оромгоҳда болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун спорт мусобақалари, турли ўйинлар ва маданий тадбирлар ўтказилди. Музейлар ва истироҳат боғларига саёҳат уюштирилди. Энди навбат иккинчи босқичга.**

**А. ЖИЕМУРАТОВ,**
**капитан.**



ИИВ матбуот маркази хабарлари

## ЎЙЛАМАЙ БОСИЛГАН ҚАДАМ

Фарғона шаҳрида яшовчи А. Йўлдош ва С. Комил жамият учун фойдали иш билан машғул бўлиш ўрнига бекор юриб, қинғир ишга қўл уришди. Улар Д. Жамилани куч ишлатиш йўли билан қўрқитиб, тўрт турдаги заргарлик буюмлари ва «Нокия» русумли уяли телефонини олиб қўйишди. Лекин тез орада ички ишлар ходимлари томонидан ушландилар. Энди улар энг навқирон пайтларида ўйламай босган қадамлари учун жавоб беришади.

## ЎҒИРЛИК ФОШ ЭТИЛДИ

Асли қашқадарёлик, Тошкент шаҳрида вақтинча яшовчи тадбиркор Б. Бахтиёрнинг уйида ўғирлик содир бўлди. Номаълум шахс хонадонга шахта орқали кириб, у ердан 1 млн. сўм ва 7400 АҚШ долларини ўмарди. Мазкур ҳолат юзасидан зудлик билан жиноят иши қўзғатилиб, ички ишлар ходимлари томонидан қидирув ишлари бошлаб юборилди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида гумондор 1979 йилда туғилган Ш. Равшан аниқланиб, қўлга олинди.

## ДАЛИЛИЙ АШЁ – «ДАМАС»

Х. Жамшид ёшлигидан машина ҳайдашга ишқибоз эди. Бу эса ноғаҳон уни жиноят кўчасига етаклади. Жамшид Д. Носирга тегишли «Дамас» русумли автомашина қаровсиз қолганидан фойдаланиб, уни олиб қочди. Аммо узоққа кетолмади. Наманган вилояти Уйчи тумани ИИБ ходимларининг саъй-ҳаракати туфайли у ушланди. Далилий ашё сифатида «Дамас» автомашинаси олинди.

## МАСТЛИК ОҚИБАТИ

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида яшовчи Ж. Тўлаган ва П. Бекмурод аввалига роса улфатчилик қилиб, спиртли ичимлик ичишди. Кейин эса ораларидан гап қочиб, низолашиб қолишди. Бекмурод Тўлаганнинг юзига уриб, тан жароҳати етказди. Натижада у касалхонага ётқизилди. Бекмурод эса ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди. Мазкур ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилаяпти.

**Ё. БОБОЖОНОВ,**
**лейтенант.**

БОЛАЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

# ТАРБИЯДАН ТАРБИЯНИНГ ФАРҚИ БОР

Мустақилликка эришилган илк дамлардан юртимизда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар маънан етук, жисмонан бақувват бўлиб камол топиши учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилгани фикримизнинг исботидир.

Аммо шунга қарамай баъзи ўсмирлар дарсга кирмай, турли ёлланма ишларни бажараётгани оз бўлса-да, учраб турибди. Бугун бозорда пул топаётган бола мактабни, дарсни унутишдан ташқари, ота-онага ҳам бўйсунмай қўйиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Вақти келиб ёмон хулқли шахслар таъсирига тушиб қолса ножўя ишларга, ҳатто жиноятга қўл уриши мумкин.

Юқоридаги каби салбий ҳолатларнинг олдини олишда Қарши тумани ИИБ ВЕОҲООГ ходимлари ўзига хос тажриба тўплаган. Осойишталик посбонлари олиб борган тадбирлар натижасида жорий йилнинг ўтган даврида вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилмади. Соҳа ходимлари мунтазам таълим муассасаларида ҳуқуқий мавзуда суҳбатлар олиб боришаётгани муносиб ютуқлар қўлга киритилишида муҳим омил бўлмоқда. «Ёшлар гиёҳвандликка қарши», «Таътил», «Ўсмир», «Ўз ҳуқуқингизни биласизми?», «Бола ҳуқуқлари кафолати», «Қонунчиликдаги ўзгаришлар» каби мавзуларда ўтказилган учрашувлар ана шулар жумласидандир.

Шундай бўлса-да, жорий йили ҳуқуқбузарлик содир этган 19 нафар вояга етмаган профилактик ҳисобга олинди. Туманнинг Пахтазор қишлоғида яшовчи З. Давронов йил бошида уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган. Олиб борилган суриштирувлар натижасида у Қарши шаҳрида мақсадсиз юргани маълум бўлди. Ички ишлар ходимлари уни вилоят ИИБ ҲООБ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига топширишган. Биз ота-онаси билан болани уйига олиб келдик. У ҳуқуқбузар сифатида рўйхатга олиниб, «Кат» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси М. Бобоев мураббий этиб тайинланди. Боланинг қизиқиши ҳисобга олиниб, туман ИИБ раҳбарияти мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти қошидаги «Картинг» автомобиль тўгарагига аъзо бўлишига яқиндан кўмак берди. Анчадан буён катталарни ташвишга солган ўсмир мана уч ойдирки, севган машғулоти билан банд. Натижада биз уни рўйхатдан чиқардик.

Кўриниб турибдики, тарбиядан тарбиянинг фарқи бор. Мазкур жараёнда боланинг дунёқараши, интилишларини инобатга олиш ижобий натижа бериши тайин.

**Ш. МУСЛИМОВ,**
**катта лейтенант.**
*Қашқадарё вилояти.*



# ҚОНУН — ҲУҚУҚ КАФОЛАТИ



## «ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ШАРҲ

**2-модда. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

**Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.**

Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нималардан иборатлигини шарҳлашдан аввал «қонун ҳужжатлари» тушунчасини очиб бериш лозим бўлади. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасига асосан ушбу Қонунда белгиланган шаклда қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат норматив-ҳуқуқий ҳужжат, яъни қонун ҳужжати ҳисобланади.

Қайд этилган Қонуннинг 5-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари кўрсатилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонун ҳужжатлари саналади.

Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мажмуига нафақат шарҳланаётган Қонун, балки бошқа кўпгина норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва қонун нормаларини ҳам киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилиши сиёсий ҳуқуқлардан бири сифатида кафолатланган.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг мурожаатлари давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқилиши шартлиги белгилаб қўйилган. «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 14-моддасида эса мамлакатимиз ҳудудида яшовчи шахслар давлат органларига аризалар, таклифлар, шикоятлар билан давлат тилида ва бошқа тилларда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасида Омбудсман томонидан фуқароларнинг шикоятларини кўриб чиқиш тартиби белгиланган бўлса, 11-моддасида шикоятларни кўриб чиқиш шартлари, 12-моддасида шикоятларнинг мазмуни, 13, 14, 15-моддаларида вакилнинг бу борадаги ҳуқуқлари, 16-моддасида эса Омбудсманнинг мажбуриятлари белгиланган. «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасида меҳнат органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан бўйсуниш бўйича юқори органга ёки мансабдор шахсга ёхуд бевосита судга шикоят қилиш мумкинлиги кафолатланган. «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 47-моддасида шундай қоидалар назарда тутилган.

Фуқароларнинг судларга шикоят билан мурожаат қилиши, шунингдек судлар томонидан ушбу шикоятларнинг кўриб чиқилиши ва ҳал қилиниши билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги 140-сонли қарори ҳам фуқароларнинг мурожаатлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Юқорида қайд этилганлардан ташқари фуқароларнинг мурожаатларини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари ҳам мавжуддир.

*(Боши ўтган сонда. Давоми бор).*

**ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?**



# СУД — ЭНГ ОЛИЙ ҲАКАМ



**Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижасида судларнинг мавқеи ошди, бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи муассасага айланди. Низоларни холис, адолатли, қонуний ҳал этувчи орган сифатида фаолият йўналиши белгиланди.**

**Юртимизда суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар, сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади, одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилиши таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда бошқа нуфузли ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган суд тизими қуйидаги уч гуруҳга бўлинади:**

**1) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди;**

**2) умумий юрисдикция судлари — Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари ва ҳарбий судлар;**

**3) хўжалик судлари — Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституциямизга қанчалик мослигига доир ишларни кўради.

### УМУМИЙ ЮРИСДИКЦИЯ СУДЛАРИ

Умумий юрисдикция судлари:

фуқаролик ишлари бўйича;

жиноят ишлари бўйича;

маъмурий ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ ишлар бўйича одил судловни амалга оширади.

Умумий юрисдикция судлари, хусусан, қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди;

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят суди ва Тошкент шаҳар суди;

фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди;

ҳарбий суд.

### ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ

Хўжалик судлари корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этади.

Хўжалик судлари тизими:

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди;

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларидан иборат.

### СУД ИНСТАНЦИЯЛАРИ

Судлар бажарадиган функциясига, яъни ишни мазмунан кўриб қарор чиқариш ёки чиқарилган қарорларнинг қонунийлиги ва асосланганлигини текширишига қараб суд инстанцияларига бўлинади.

Фуқаролик процессида суд хусусан қуйидаги инстанцияларга бўлинади:

биринчи инстанция суди;

апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди.

### БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИ

Биринчи инстанция суди ишни мазмунан кўриб ҳал қилув қарори чиқаришга ваколатли бўлган суд ҳисоблангани учун ҳам фуқаролар одатда айнан биринчи инстанция судларига, яъни фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларига мурожаат қиладилар. Ушбу суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунга қадар апелляция шикояти берилиши мумкин.

Фуқаролик ишларини мазмунан ҳал этиш қўзғатилган даъвонинг исботланган-исботланмаганлигини ва бунинг натижасида келиб чиқадиган юридик оқибатларни белгилашни англатади.

Фуқаролик ишларини кўриб чиқишда биринчи инстанция суди ишда иштирок этаётган тарафларнинг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаши, экспертларнинг хулосалари ва ёзма далиллар билан танишиши, ашёвий далилларни кўздан кечириши лозим.

Биринчи инстанция суди сифатида ҳар қандай суд, шу жумладан юқори турувчи суд ҳам иш кўриши мумкин.

### ИККИНЧИ (АПЕЛЛЯЦИЯ ВА КАССАЦИЯ) ИНСТАНЦИЯ СУДИ

Иккинчи (апелляция) инстанция суди биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган қарори устидан апелляция шикояти берилганлиги ёки апелляция протести келтирилганлиги муносабати билан иш кўрадиган суддир. Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан йигирма кун ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти беришлари мумкин.

Суд ишни апелляция тартибида кўриб чиқиб, ажрим чиқаради. У шу ажрим билан:

ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиради ва шикоятни (протестни) қаноатлантирмайди;

ҳал қилув қарорини ўзгартиради ёхуд уни бутунлай ёки қисман бекор қилади;

янги ҳал қилув қарори чиқаради;

ишни биринчи инстанция судига янгидан кўриб чиқиш учун юборади;

иш юритишни тугатади ёки аризани кўрмасдан қолдиради.

Биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари устидан мазкур қарор чиққан кундан эътиборан бир йил ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар томонидан кассация шикояти берилиши мумкин.

Суд ишни кассация тартибида кўриб чиққач, ажрим чиқариб, шу асосда:

ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиради, шикоятни қаноатлантирмайди;

ҳал қилув қарорини ўзгартиради ёхуд бутунлай ёки қисман бекор қилади ва янги ҳал қилув қарори чиқаради;

ишни янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборади;

иш юритишни тугатади ёки аризани кўрмасдан қолдиради.

### НАЗОРАТ ИНСТАНЦИЯСИ

Назорат инстанцияси судларнинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорларининг, ажримларининг ҳамда қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш ҳуқуқига эга бўлган суд инстанцияси дир.

Суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, шунингдек ажримлари ва қарорлари қуйидагилар келтирган протестлар бўйича назорат тартибида қайта кўрилиши мумкин:

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди раиси, фуқаролик ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раислари;

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ва унинг ўринбосарлари;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари.

Суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан 3 йил ўтгандан кейин берилган аризалар кўрилмайди.

Шуни ёдда тутиш лозимки, юқори турувчи суд инстанцияси деганда муайян судга нисбатан юқорироқ поғонада турган суд тушунилади. Масалан, биринчи инстанция судига нисбатан апелляция ва кассация инстанциялари юқори турувчи суд инстанцияси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди юқори суд инстанцияси ҳисобланади.

**Муаллифлар Н. Исмоилов ва А. Ғафуров қаламига мансуб «Судга ишингиз тушганда...» сарлавҳали оммабоп рисолада ана шулар, шунингдек, судларнинг турлари, уларнинг ваколат доираси, фуқаролик судларига мурожаат қилиш асослари, тартиби ҳақида маълумотлар берилган. Газетамизнинг келгуси сонидан бошлаб ушбу китобчадан ўрин олган «Ҳуқуқингизни биласизми?» туркумидаги масалалар ёритиб борилади. Бу эса судга биринчи маротаба мурожаат қилаётган фуқаролар дуч келадиган саволларга жавоб топиш имконини беради, деган умиддамиз.**

POSTDA-TV

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР 13–19-iyul

«TOSHKENT» ДУШАНБА, 16.20

**«Капитан Хук». Б/ф 1-қисм.**



«YOSHLAR» ШАНБА, 22.30

**Жаҳон киноси: «Сеники, меники, бизники».**



# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

*Келгуси ҳафта учун*

### ҚЎЙ

Хонадондаги юмушларни, хусусан қурилиш, таъмирлаш ишларини бажаришнинг айни вақти. Ҳамфикр, ҳамжиҳатликда иш тутиш оиладаги муҳитнинг яхшиланишига ёрдам беради. Ишхона ва уйингизда юмушларнинг энг муҳимларига қўл уриш зарур.

### СИГИР

Мулоқотлар чоғида ўз фикр ва мулоҳазаларингизни ҳамсуҳбатларга етказишга ҳаракат қилинг. Имкони борича ўзингизга яқин ва синалган кишилар билан мулоқот олиб боришни маслаҳат берамиз. Шахсий транспортда узоқ сафарга чиқмай турган маъқул.

### ЭГИЗАКЛАР

Янги лойиҳалар устида ишлаш учун ўз билим ва тажрибангизга таяниш лозим. Ҳар жиҳатини ўйлаб сарф-харажат қилиш мақсадга мувофиқдир. Бировларнинг пулини сарфлаш ёки қарз олишга шошилманг. Молиявий масалаларда бошқалар маслаҳатига эътибор бермаган маъқул.

### ҚИСҚИЧБАҚА

Янги билимни чуқурроқ ўрганиш ва амалий тажрибани кенгайтириш фойдадан холи бўлмайди. Бу ҳафта янги маълумотларни тўплаш, илмий фаолият билан шуғулланиш, тажриба ўтказиш учун қулай бўлади. Бу ишлар билан мустақил равишда шуғулланиш самара беради.

### АРСЛОН

Юлдузлар ёлғиз қолиб режалар ҳақида ўйлаб кўришни маслаҳат бермоқда. Омад ва омадсизликларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида мулоҳаза юритиб, асосий эътиборни саломатликка қаратишга ҳаракат қилинг. Турли хабарлардан воқиф бўлиш имкони туғилади.

### БОШОҚ

Дўстлар билан кўнгилли суҳбатлар қуриш, ҳамкорлар доирасида ўзингизни намоён этиш учун янги имкониятлар юзага келади. Ҳафта мобайнида янги режалар тузиб, яқинлар маслаҳатига қулоқ тутиш лозим бўлади. Дам олиш кунлари айш-ишратга берилмаган маъқул.

### ТАРОЗИ

Кўзланган мақсадга эришиш учун юзага келган имкониятни қўлдан бермасликни маслаҳат берамиз. Раҳбарлар ва юқори мансабли шахслар билан очиқ мулоқот қилиш учун қулай вақт. Ҳар бир ишда масъулиятни чуқур ҳис этинг, шундагина муваффақиятга эришиш мумкин.

### ЧАЁН

Билимингизни оширишга, чет тилини ўрганишга ҳаракат қилинг. Узоқ сафарга чиқиб, дунёқарашингизни бойитиш, ижодий, илмий фаолият билан шуғулланишнинг айни вақти. Бу ҳафта спортчилар учун муваффақиятли келиши кутиляпти.

### ЁЙ

Молиявий масалалар борасида бош қотиришга тўғри келади. Ўз фикрингизга таяниб иш тутсангиз муаммоларни самарали ҳал эта оласиз. Мерос, кўчмас мулк билан боғлиқ ишларни ҳафтанинг иккинчи ярмига қолдиришни маслаҳат берамиз.

### ТОҒ ЭЧКИСИ

Шахсий муносабатлар изига тушиши ўзингизга боғлиқ эканини, яқин кишингиз билан очиқ-ойдин гаплашиб, айрим камчиликларни муҳокама қилиш жанжалнинг олдини олишга ёрдам беришини унутманг. Ҳафтанинг иккинчи ярмидаги музокаралар кутилган натижа беради.

### ҚОВҒА

Бу ҳафтада саломатлик ҳақида кўпроқ қайғуришга тўғри келади. Шифокорлар маслаҳатига қулоқ тутиб, парҳез таомлар истеъмол қилинг, соғлом ҳаёт тарзига аҳамият қаратинг. Даромаднинг янги манбаи юзага келади. Бу имкониятни қўлдан бермасликка ҳаракат қилинг.

### БАЛИҚ

Ижодий фаолият билан самарали шуғулланишнинг айни вақти. Ақлни чархловчи ўйинларга ҳам кўпроқ эътибор беринг. Дўстлар билан орангиз бузилишига йўл қўйманг. Кутилмаган танишув, учрашув бўлиши мумкин.

## «O'zbekiston»

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.05 Миллий кино: «Тоғлик куёв». 2-қисм.
07.50 «Тонгги наволар».
08.00 «Ахборот».
«Болалар сайёраси»:
08.35 «Бизнинг кутубхона».
08.55 «Бўз бўрининг саргузаштлари». М/ф.
10.00 «Саломатлик сирлари».
10.20 «Минг бир ҳунар».
10.35 «Ойдин ҳаёт». Токшоу.
11.20 «Шарқ тароналари».
11.35 «Буюк аждодларимиз». Беруний.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.05 «Очиқ дастурхон».
13.35 «КиноТеатр».
14.05 «Севги мактуби». Б/Ф.
«Болалар сайёраси»:
15.45 «101 Далматинлар». М/ф.
17.10 «Оҳанрабо».
17.50 «Шўрданак». Ҳажвий кўрсатув.
18.20 «Минг бир ривоят».
18.25 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
19.30 «Таҳлилнома». (рус).
20.05 Миллий сериал: «Денгиздан томчи».
20.35 «Кўнгил қушиқ истайди».
21.00 «Таҳлилнома».
21.40 «Азизим».
22.15 «Жаноб». Б/ф.
23.45 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**

00.00 «Минг бир ҳунар».
00.15 «Ҳамон ёдимда...»
01.00 «Таҳлилнома». (рус).
01.35 «Ойдин ҳаёт». Токшоу.
02.20 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
03.20 «Очиқ дастурхон».
03.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тошкент оқшом оғушида».
04.00 «Таҳлилнома».
04.40 Кино: «Кўзларинг маъюс». 2-қисм.
05.50 Тонгги наволар.

## «Yoshlar»

06.55 «Yoshlar» саломи».
07.00 «Якшанба нонуштаси».
07.20 «Ватан меҳри».
07.30 «Ҳаёт сўқмоқлари».
08.00 Киноклассика: «Бошсиз чавандоз».
09.35 «Ўзбек адабиёти».
09.40 «Соғлик – бойлик».
10.00 «Ватанпарвар».
10.40 «Шерюрак». Т/с.
11.25 «18 ёшинг муборак!»
11.30 «Кунг-фу панда». М/ф.
13.00 «Ўзбегим матолари».
13.20 «Тошкент таронаси».
13.30 «Ҳаккуш». Т/с.
14.15 «Ўзбек адабиёти».
14.20 «Ватан меҳри».
14.30 «Инсон психологияси».
15.00 «Ўзбегим».
15.30 «Илҳом қанотлари».
15.45 «Айланай...»
16.00 «Камолот».
16.10 «Жумонг». Т/с.
17.20 «Ватан меҳри».
17.25 «Ўзбек адабиёти».
17.30 «Куёв». Спектакль.
18.55 «Истиқлол шукуҳи».
19.00 «Давр». Ҳафта якуни.
19.30 «Рўзғор мактаби».
20.00 «Тараннум».
20.40 «Тошкент – 2200».
20.45 Ҳинд киноси: «Қалбим сеникидир, жоним».
23.40 «Юрт тинчлиги».

## «Тошкент»

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20 «Карвонсарой».
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Репортаж».
9.50 «Тошкент – 2200».
9.55 «Телекурьер-маркет».
10.15 «Истеъдод».
10.30 «Пойтахт». (рус).
10.40 «Ўт ўчирувчилар». Б/ф.
12.35 «Саргузаштлар ороли».
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Анонс».
14.05 «Куёвлар конкурси». Муқимий номидаги мусиқий драма театрининг спектакли.
16.05 «Карвонсарой».
16.15 Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига: «Менинг шаҳрим».
16.40 «Телекурьер-маркет».
17.00 «Болаликка қайтиб»:
17.25 «Нима учун?»
18.05 «Тошкент – 2200».
18.10 «Менинг катта юнонча тўйим». Б/ф.
19.45 «Телекурьер-маркет».
20.05 «Тошкент оқшомлари».
20.40 «Я Сэм». «Казино рояль». «Хороший год».

## «Sport»

08.00 «Бодрое утро».
09.00 «Хабарлар». (рус).
09.20 «Қувноқ стартлар».
10.00 «Хабарлар».
10.25 Футбол. Мавсумнинг энг яхши учрашувлари ЦСКА – «Шахтёр».
12.00 «Аёл ифори».
12.40 Чемпионат мира по футболу. Курс – Южная Африка.
13.00 «Сезон охоты». Мультфильм.
18.00 «АВТОграф».
18.30 «Версия».
19.05 «Спорт – менинг ҳаётим».
19.30 «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» – «Вилоят спорти».
20.30 «Профринг».
21.30 «Талқин».
22.00 Футбол. Мавсумнинг энг яхши учрашувлари «Сент- Этьенн» - «Вердер».
23.35 Велоспорт «Тур де Франс».
00.00 Тунингиз осуда бўлсин!»

## «Первый канал»

5.00, 9.00, 11.00 Новости.
5.10 «Сказка о попе и о работнике его Балде». Мультфильм.
5.45 Фильм «Принцесса-лебедь. Тайна замка».
7.00 Смак.
7.40 Армейский магазин.
8.15 «Играй, гармонь любимая!».
9.20 «Непутевые заметки».
9.40 «Пока все дома».
10.25 Фазенда.
11.10 Ералаш.
11.45 «Сокровище нации».
12.55 «КВН».
14.25 Комедия «Нежданно-негаданно».
16.00 «Александр Ширвиндт. Счастливая жизнь счастливого человека».
17.05 «Две звезды». Лучшее.
20.00 «Время».
20.20 «Большая разница».
21.20 Фильм «Падение «Черного ястреба».
23.50 Фильм «Перекресток».
1.30 Детектив «В полосе прибоя».
3.00 Профилактика.

## «Россия»

5.00 Мультфильмы.
5.55 Фильм «Отпуск за свой счет».
8.35 Мультфильм «Маленькие герои».
10.00 Вести.
10.50 Фильм «Невеста».
12.15 Парламентский час.
13.00 Вести.
14.00 «Честный детектив».
14.35 «Моя «железная леди». Татьяна Лиознова».
15.35 «Смеяться разрешается».
17.10 Телесериал «ВСЕГДА ГОВОРИ «ВСЕГДА».
19.00 Вести.
20.05 Фильм «Вторжение».
22.05 Боевик «Смертельное оружие».

## НТВ

4.40 Детектив «ИГРА ВСЕРЬЕЗ».
6.30 «Дикий мир».
7.00 Сегодня.
7.20 «Русское лото».
7.45 Их нравы.
8.25 Едим дома.
9.00 Сегодня.
9.15 Спасатели.
9.45 «Quattroruote».
10.20 Борьба за собственность.
11.00 Дачный ответ.
12.00 Сегодня.
12.20 Детектив «ДЕЛО РУМЯНЦЕВА».
14.05 Своя игра.
15.00 Сегодня.
15.20 РЕПОРТЕР А.ЗИНЕНКО. Лучшие фильмы.
16.10 Сериал «ЗАКОН И ПОРЯДОК».
18.00 Сегодня.
18.25 Чистосердечное признание.
19.00 Фильм «ГОНЧИЕ: ЖЕНСКАЯ ДОЛЯ».
22.55 «Русская тюрьма вчера и сегодня».
23.30 «Quattroruote».
0.05 Боевик «МСТИТЕЛИ».
1.50 Фильм «ГАМЛЕТ».
4.10 Сериал «АЭРОПОРТ».

## ТВ 3

7.00 «80 чудес света». Д/с.
8.00 Мультфильмы.
8.30 Мультфильм «Гаджет и гаджетины».
9.00 Мультфильм «Джимми-супер червяк».
9.30 Мультфильм «Человек-паук».
10.30 Мультфильм «Кураж - трусливый пес».
11.00 «80 чудес света». Д/с.
12.00 Х/ф «ПОСЛЕДНИЙ ЗАХОД-2».
14.00 «ДОСЬЕ ДЕТЕКТИВА ДУБРОВСКОГО». Телесериал. 1
16.00 Д/ф «НЛО: Подводные пришельцы».
17.00 Х/ф «РОЙ».
19.00 Х/ф «ВАВИЛОН 5: ПРИЗЫВ К ОРУЖИЮ».
21.00 Х/ф «ВАВИЛОН 5: ЛЕГЕНДА О РЕЙНДЖЕРАХ».
23.00 Х/ф «ВАВИЛОН 5: ЗАТЕРЯННЫЕ СКАЗАНИЯ».
1.00 Х/ф «БЕЗЛИКИЙ».
3.00 «Покер после полуночи».
5.00 Х/ф «КАМЕРА СМЕРТНИКОВ».
6.45 Relaкs.

## ТНТ

5.00 «Крутые бобры». Мультсериал.
6.00 «Жизнь и приключения робота-подростка». Мультсериал.
7.20 «САША + МАША». Комедия.
7.45 «Первая Национальная лотерея».
8.00, 20.00, 0.10, 2.15 «Дом-2».
9.00 «Школа ремонта».
10.00 «Звездные невесты». Д/ф.
11.00 «Не хочу быть как все!» Д/ф.
12.00 «Смех без правил».
13.00 «ВОЛК». Ужасы, мистика.
15.40 «СЕТЬ». Боевик.
18.00 «Женская лига». Комедия.
19.00 «Битва экстрасенсов».
21.00 «Комеди Клаб».
22.00 «Смех без правил».
23.05 «Убойной ночи».
23.40 «Секс» с Анфисой Чеховой.
0.40 «СТРАНА ЧУДАКОВ» Комедия.
3.10 «Необъяснимо, но факт».
4.05 «САША + МАША».

## СТС

7.00 «НОВАЯ РОЖДЕСТВЕНСКАЯ СКАЗКА». Х/ф.
8.50 «Гадкий утенок». Мультфильм.
9.20 «Смешарики». Мультсериал.
9.30 М/с «Леонардо».
10.00 Кино «ВЫСКОЧКА».
12.00 «Галилео».
13.00 «Снимите это немедленно!»
14.00 Комедия «ШАГ ЗА ШАГОМ».
15.30 «Том и Джерри». Мультсериал.
16.00 «Чип и Дейл спешат на помощь». Мультсериал.
17.00 «6 кадров».
18.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
19.00 Комедия «ПАПИНЫ ДОЧКИ».
21.00 «6 кадров».
22.00 Кино «КРАСОТКА-2». г.
0.00 «6 кадров».
1.00 Кино «ОФИЦЕР И ДЖЕНТЛЬМЕН».
3.25 Музыка.

## ДТВ

7.00 Клуб детективов.
7.55 Музыка.
8.00 «Каламбур».
9.00 Тысяча мелочей.
9.30 Мультфильмы.
12.40 Фильм «РОМАН В РУССКОМ СТИЛЕ».
14.30 «Каламбур».
15.30 Х/ф «КРЫША МИРА».
17.30 Детектив «ТЕНИ ПРОШЛОГО».
19.30 «Смешнее, чем кролики».
20.00, 1.00 «Брачное чтиво».
20.30 «Брачное чтиво».
21.00 Фильм «КОЖА САЛАМАНДРЫ».
23.00 Детектив «СТИЛЕТ».
0.00 Детектив «C.S.I. МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ НЬЮ-ЙОРК-3».
1.30 «Смешнее, чем кролики».
2.00 Х/ф «КРЫША МИРА».
4.00 Клуб детективов.
6.00 «Безумства храбрых».

## 7 ТВ

6.00 Super-утро.
11.00, 12.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00, 1.00, 2.00, 3.00, 4.00, 5.00 «7 новостей».
11.05 Классика: NHL. «Калгари» - «Сан-Хосе» (1995).
12.05, 21.05 Всемирные игры-2009. Обзор дня.
12.35 Спортивная неделя Подмосковья.
13.00 Планета рыбака.
13.10, 15.30 Диалоги о рыбалке.
13.30 Евросерия F-3. 4-й этап (Зандфоорт, Голландия). 2-я гонка. Прямая трансляция.
14.10 Звезда автострады.
14.35 Суперкубок Seat Leon. 4-й этап (Зандфоорт, Голландия). 2-я гонка. Прямая трансляция.
15.10 Клуб покорителей пространства.
15.40 Экстрим: начало века.
16.10 Основной инстинкт.
16.30, 22.05 Zero Graviti.
17.00 DTM. 4-й этап (Зандфоорт, Голландия). Прямая трансляция.
18.30 Клиф-дайвинг.
19.05 Кубок Porsche Carrera. 4-й этап (Зандфоорт, Голландия).
19.40 За пределом.
20.00 Танцфорум-2009. XI открытый московский международный турнир.
21.35 Серфинг. Мировой тур.
22.20 Wrestling: опасная зона.
23.05 Пул.
0.05 X-treme 99,9.
1.05 Покер.
2.05, 3.05, 4.05 Спортмания.
5.05 Формула успеха.

МАЪРИФАТ ДАРСИ

# ҲАМИД ОЛИМЖОН ШЕЪРЛАРИДА ДИЁР МАДҲИ



Ҳамид Олимжон XX асрнинг биринчи ярмида (1909–1944) яшаб ижод этди. Бу давр инсоният тарихида зиддиятлари, мудҳиш воқеалари билан эсда қолади. Биринчидан, Ҳамид Олимжон чор Россиясининг мустамлакаси бўлган юртда таваллуд топди, етти ёшида Жиззах қўзғолончилари қаторида Кили чўлига қувғин қилинди, отасидан эрта етим қолди. Бўлажак шоир саккиз ёшга тўлганда, 1917 йил октябрь тўнтариши бўлди. Ҳамид Олимжон 16 ёшга кирганида савдогарнинг набираси тамғаси остида Педтехникум талабалари сафидан чиқарилди. У умрининг охиригача турли сиёсий, ижтимоий, маънавий-руҳий тазйиқларга дучор бўлди. Тўғри, қисқа умри давомида шоир шавқ-завқ билан ижод қилди – янги ўзбек адабиётининг истеъдодли намояндалари қаторидан муносиб ўрин эгаллади, Зулфиядай истеъдодли, лобар қизни севди, унга уйланди, Ҳулкар ва Омонга ота бўлди. Ҳамид Олимжон юрт кезди, ижодкорлар билан мулоқотда бўлди, Ғафур Ғулом, Ойбек, Уйғун, Шайхзода сингари дўстлар орттирди.

Ҳамид Олимжон ижоди ўзига хос, бетакрор маънавий бадиий бойлик. У диёр, халқ, баҳор, мангу қадриятлар ҳақида тўлиб-тошиб куйлади. Шоир ижодида коммунистик мафкура, социализм таъсирида ёзилган асарлар ҳам талайгина топилади. Ҳамид Олимжон ақлли-ҳушли, мулоҳазакор инсон сифатида ўзи яшаётган тузум моҳиятини ҳис қиларди, лекин қалбини тўлиқ акс эттириш имкони йўқ эди. Президент Ислом Каримов «Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор» суҳбатида («Халқ сўзи» 2009 йил, 3 июль) Ҳамид Олимжонга ўхшаш истеъдодли инсонлар руҳиятини аниқ кўрсатиб берди: «Шуни айтиш жоизки, аксарият ёзувчиларимиз совет даврининг тарбиясини олган, узоқ йиллар ҳукмрон мафкура руҳида ижод қилган. Лекин яна бир ҳақиқат ҳам борки, уларнинг кўпчилиги коммунистик тузум ғояларини сўзда маъқулласа ҳам, аслида ич-ичидан уларни қабул қилмаган. Негаки, коммунистик тузум инсонниг, бинобарин, миллат ва халқнинг эркин ва озод яшашига, миллий тафаккур, диний қадриятларга қарши бўлганини ижод аҳли ҳаммадан кўра чуқурроқ англаган».

Ҳамид Олимжон ижодида шундай асарлар борки, улар коммунистик мафкура, ижтимоий-сиёсий буюртма асосида яратилганлиги рўйирост кўриниб туради. Ўттиз беш йиллик ҳаёти давомида шоир ҳақиқий, руҳий-маънавий бахтни ҳис этмади. Лекин таажжубки, Ҳамид Олимжоннинг адабиётдаги иккинчи номи «Бахт ва эрк куйчиси» бўлди.

Ҳамид Олимжон – серқирра ижодкор. Унинг асарларини янгича ўқиш, уқиш, талқин этиш лозим. У ҳозирги адабиётимизда ёшлик, диёр, баҳор куйчиси сифатида талқин қилинмоқда. Шоирнинг ўлмас асарлари кўп. Лекин менингча, унинг «Ўрик гуллаганда» асари ҳамиша етуклик, гўзаллик, жўшқинлик намунаси сифатида талқин этилаверилади. Баҳор ва инсон муносабатлари ҳамиша куйланган. Аммо Ҳамид Олимжон баҳорни «новдаларни безаган ғунчаларда», «гулга ўралган хаёлларда», «этакка солинган олам-олам гулда», «илк саҳарда эсган қурғур шаббодада», «шўх-шодон қизлардай беор елларнинг алдаб кетишида» кўради. Шеърда баҳор, новдалар, шаббода, еллар лирик қаҳрамон аро ўта табиий алоқадорлик бор. Гуллаган бир туп ўрикнинг лирик қаҳрамон деразаси олдида бўлиши тиниқлик, реаллик кўринишидир. «Ўрик гуллаганда» шеърида руҳдай енгиллик, соф ҳаводай мусаффолик, маромидаги гўзаллик борки, у ҳеч қандай қаршиликсиз ўқувчи қалбидан жой олади.

«Ўрик гуллаганда» баҳорнинг мангу мадҳияси бўлса, «Ўзбекистон» шеъри она-юрт диёр ҳақидаги нозли наводир. Мазкур шеър укпардай енгил, жўнгина бир сўз воситасида яратилган. Миниатюра санъати – рассомчиликда инжа ҳолатларни акс эттиради. Ҳозир миниатюра санъати яна ҳам нозиклашиб бормоқда: соч толасини, тариқ донасини «полотно» қилиб, кенг сюжетли асарлар яратаётган рассомлар нуфузи ортиб бормоқда.

Ҳамид Олимжоннинг «Ўзбекистон» шеъри «ҳис»га асосланган.

*Водийларни яёв кезганда,*
*Бир ажиб ҲИС бор эди менда...*

«Ҳис» номли рамзий отга минган лирик қаҳрамон икки дарё оқимини, қорли тоғларни, гул водийларни, қип-қизил лолазорларни, Ўзбекистоннинг яратувчи халқини кузатади. Унинг қулоғига булбуллар навоси, шоирлар ашъори, жувонлар алласи, куйчилар ялласи киради.

«Ҳис» қанотида осмону фалакка парвоз қилган куйчи аста-секин ерга яқинлашади, кўниш майдонини аниқлайди.

*Шафтолизор боғларни кўрдим,*
*Гул кўкарган тоғларни кўрдим*
*Меҳр қўшиб ўйган сари оқ,*
*Оппоқ бўлди бу азиз тупроқ*
*Водийларни яёв кезганда,*
*Бир ажиб ҳис бор эди менда...*

Истеъдодли шоирлар сўз, калом қалбидаги кўрни аниқ англайдилар, ҳис этадилар. Ҳамид Олимжон «ҳис» қанотида гўзал юртини кезган бўлса, шоир Абдулла Орипов «қалбини ўртаган аллақандай «ҳис» таъсирида Мўмин Мирзо фожиасини жонлантиради...

Баҳор мавзуси Ҳамид Олимжон ижодига жуда эрта кириб келган. Ўн тўққиз ёшли шоир «Баҳорни согинганда» шеърида қишни баҳорга зид қўяди. Қиш чолғуси қаҳратон изгиринлари, ер ва кўкни қоплаган қор, бир тутам кун, йилдай чўзилган тун жонга теккан. Лекин лирик қаҳрамон бутун руҳи, борлиғи билан баҳорга, қуёшга интилади. Баҳор, унинг наздида, гўзал кенглик, ажойиботлар кўриниши, қалбларнинг қувончи:

*Шунда чўпон каби кезиб тоғлар,*
*Мен сени бир ўпай, қучоқлай-да...*
*Сув – булоқ бўйларида чарчай-да.*
*Сўнгра қўйнингда эркалаб ухлай.*

Шеър – шоир юрагининг кардиограммаси, ҳарорати, жўшқинлиги кўрсатгичи. А. Пушкин, Ҳ. Олимжон, М. Лермонтов, У. Носир, М. Юсуф қалблари шоир булоғи бўлган. Ундан отилган шеър ҳам кўзни қувонтирган, ҳам қалб чанқоғини қондирган:

*Бола эдик,*
*Танлар – олов.*
*Қалб – қайноқ,*
*Кўзлар – ўткир,*
*Диллар – соф,*
*Эркин – эркин ўйнардик...*
*Ҳаёт билан*
*Қайнар эди*
*Куй, қишлоқ.*
*Бир ёнда тоғ,*
*Бир ёнда боғ...*
*Сув сочарди...*
*Гул очарди...*
*Кенг кўчалар...*

Шоирнинг «Сиёб» шеърида ҳам жўшқинлик ҳаётбахши руҳ етакчилик қилади. Ҳамид Олимжон дарё ва одам ўртасидаги боғлиқлик, жўшқинлик, тезкорликни сув оқими ва ёшлик ғайрат омухталигида тасвирлайди.

Ҳамид Олимжоннинг илк лирикасида ғаройиб бир ҳолат кўзга ташланади. Шоир баҳордаги ўсиш-ўзгариш, ҳаракатни ниҳоятда аниқ тасвирлайди:

*Тиним йўқ, ҳар нафас сеп ёзар,*
*Баҳор ечиб ўз тугунчагин.*
*Тонгги куртак оқшомги ғунча*
*Саҳар туриб очар чечагин.*
*Дала юзин қоплар чечак-гул,*
*Кулиб чиқар ёриб ер тагин,*
*Зангор кўзларига тўлар нур,*
*Шудринг билан ювар кипригин.*

Шоир табиатни тасвирлар экан, унинг диёрга муносабати, Ватанга садоқати сезилиб туради. Ҳамид Олимжон Ўзбекистон фарзанди эканлигидан фахрланади: ўзини она-табиат, она-юрт, она-Ватаннинг ажралмас қисми эканлигидан қувончга тўлади.

*Дарё гўзал... Осмонда юлдуз,*
*Ой сузмоқда адир устидан*
*Соя солган кўкдан оқ булут*
*Фазоларга ўз уйкусидан*
*Кеча гўзал, дарё тинимсиз,*
*Ағдармоқда сойнинг тошини*
*Далаларга чўзиб оёғин,*
*Қорликларга ўраб бошини.*

(«Дарё кечаси»)

Шоир қалбининг гўзалликлари севги тасвирида аниқ кўринади.

*Ҳар юракнинг бир баҳори бор,*
*Ҳар бир қалбга ишқ бўлар меҳмон.*
*Ҳар юракда гуллар муҳаббат,*
*Бўстон этар уни бегумон.*

Шоирнинг «Чимён» эсдаликлари», «Ҳолбуки тун...», «Ишим бордир ўша оҳуда» шеърлари нозик лирика намуналаридир. Бу шеърларда шоир қалбининг сози, қўшиғи, мусаффолиги, улкан севгига ошиқаётганлиги аниқ кўриниб туради.

*Усиз менинг тинчим йўқолур,*
*Усиз юрак чолғусиз қолур,*
*Усиз эсдан чиқар одатим,*
*Унутилар бор саодатим –*
*Ишим бордир ўша оҳуда.*

Улкан истеъдод соҳиблари аро дини, ирқи, миллатидан қатъи назар аллақандай боғлиқлик, алоқадорлик бўлади. Чўлпон Пушкиннинг бир шеърини ўзбек тилига аруз вазнида таржима қилган. Буюк А. Пушкиннинг «Мен сизни севар эдим» шеъри юзлаб тилларга таржима қилинганлиги маълум. Кичкинагина бу шеърда навниҳол ўспириннинг қалб мулкига назар солинади. Ўспириннинг севгиси атиргул, бинафша исига ўхшайди: кўпинча дилда пинҳонлигича қолиб кетади, аммо унутилмайди. «Мен сизни севар эдим»даги севги сурурийлик, олижаноблик кўриниши. Ҳамид Олимжон А. Пушкин шеърини ўзбек тилига юксак маҳорат билан таржима қилган. Мазкур шеър, гарчи таржима бўлса-да, Ҳамид Олимжон лирикасининг гавҳарларидан. Уни тўлалигича ҳукмингизга ҳавола қиламиз:

*Сизни севган эдим: қалбдаги олов*
*Сўниб битмагандир ҳали, эҳтимол:*
*Ранжитмасин лекин сизни ушбу ҳол,*
*Койитмайман асло ва бўлмасман ёв.*
*Сизни севган эдим: сокит, бенаво*
*Жасоратсиз эдим, ғашда бедаво:*
*Сизни севган эдим, содиқ, вафодор.*
*Энди Ҳақ айласин бошқага дилдор.*

Ҳамид Олимжон ижодини севги тасвирисиз тасаввур этиш мумкин эмас. У арузда, бармоқда, сарбастда севгини маромига етказиб тасвирлай олган.

Шоирнинг қуйидаги байтлар билан бошланадиган ғазали аллақачон мумтоз ашулалар қаторидан жой олган.

*На бўлғай бир нафас мен ҳам*
*яноғинг узра хол бўлсам.*
*Лабинг япроғидан томган ки*
*гўё қатра бол бўлсам.*
*Бутоғингга қўниб булбул каби*
*хониш қилиб тунлар,*
*Ўпиб ғунчангни очмоқликқа*
*тонг чоғи шамол бўлсам.*

Ҳамид Олимжон жўшқин, юксак истеъдодли шоир эди. Унинг бетакрор асарлари шеърият шайдолари томонидан ҳамиша қайта-қайта ёд олинади, севиб мутолаа қилинади.

**Абдуғафур РАСУЛОВ,**
**Ўзбекистон Миллий университети профессори.**

**Вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальонида хизмат жараёни такомиллашиб бораётгани учун самарали натижаларга эришилмоқда. Жорий йилнинг олти ойи мобайнида 210 дан ортиқ жиноят очилгани фикримизга далилдир. Шулардан 38 та ўғирлик, 11 та талончилик, 2 та безорилик ҳолати қайд этилди. Ходимлар томонидан ИИБларга келтирилганларнинг 152 нафари вилоят тери-таносил касалликлари диспансерига, ўн беш нафарининг яшаш ва иш жойининг тайини бўлмагани учун Қаршидаги реабилитация этиш марказига жойлаштирилди. Спиртли ичимлик ичиб, жамоат жойларида безорилик қилган 1000 дан зиёд киши вилоят наркология диспансерига мажбурий даволанишга жўнатилди.**

# ҲАМЖИҲАТЛИКДАГИ ФАОЛИЯТ

Қарши буюм бозорида савдо қилаётган Гулшода Собированинг хабари бўйича тезкорлик билан иш кўрилиб ўғри ушланди. Сумкаси ичидаги 170 минг сўм пулни А. Сафармо ўмаргани маълум бўлди. Шунингдек, Дилором Хидированинг аризаси юзасидан шошилинч ҳаракат қилиниб, «Нокия-6300» русумли уяли телефонини ўғирлаган шахс ушланди. У нишонлик, муқаддам судланган Қ. Шуҳрат бўлиб чиқди. Бундай «учар»ларни қўлга олишда батальоннинг махсус отряд милиционер-кинологи, сержант Икром Қодиров, 1-отряд милиционерлари, сержантлар Саид Муродов ҳамда Наврўз Раҳмоновнинг ўрни катта бўлди.

Жанговар тайёргарлик машқлари, ўқув ҳамда спорт машғулотлари мунтазам ўтказилаётгани сабабли ижобий натижалар қўлга киритилаяпти. Ходимлар ҳар томонлама етук бўлишида мураббий-шогирд анъанаси яхши наф бериши кўп йиллик тажрибадан маълум. Шу боис, бу усулдан унумли фойдаланиб келинмоқда. Катта сержантлар Ҳошим Ҳасанов ва Низомиддин Эломонов соҳада кўп йиллан буён фаолият кўрсатишади. Улар янги иш бошлаган ходимларга бор билим ва тажрибаларини ўргатиб келишади.

Қаерда ҳамжиҳатлик бўлса, муносиб ютуқлар қўлга киритилаверади. Буни яхши билган батальон шахсий таркиби ҳам хизматга шу тарзда ёндашмоқда.

**Соҳибжамол АМИНОВА.**
*Қашқадарё вилояти.*

**ХИЗМАТЛАРДА**

# ИЗЛАРДА ЯШИРИН СИРЛАР

***Тезкор-тергов гуруҳи соҳавий хизматларнинг энг тажрибали ходимларидан жамланганди. Улар орасида вилоят ИИБ эксперт-криминалистлари ҳам биринчилардан бўлиб воқеа жойига етиб келди. Вазифа жиддий бўлиб, хонадонда бир киши отиб ўлдирилган, уй бекасига ҳам ўқ узилганлиги юзасидан аниқ хулосага келиш лозим эди.***

Экспертлар гуруҳи қотиллик содир этилган хонадонни синчковлик билан кўздан кечирди. Жасаддаги жароҳат излари, хонадондаги қўл бармоқ излари ва ашёвий далиллар экспертиза учун олинди. Аммо жиноятни очиш, тезкор-тергов гуруҳига аниқ йўналиш бериш учун бир мунча эрта эди. Ягона из хонадон бекасиники бўлиб чиқди. У эрини отиб ўлдирган, дейиш учун эса асос етарли эмасди. Айни қотиллик содир бўлган кечада аёл уйда бўлган. Қўл бармоқ излари ўша пайтда қолдирилган бўлиши мумкин, деган тўхтамга келинди.

Вилоят ИИБ ЭКБ бўлинма бошлиғи, майор Бахтиёр Ҳамидовнинг зиммасига бундай масъулиятли вазифа илк бор юклатилиши эди. Аёл кўрсатган жойда ўқ билан боғлиқ бирорта белги топилмади.

Тергов-суриштирув ишлари жиноятга ойдинлик киритди. Марҳумнинг хотини 1000 АҚШ доллари эвазига ўз эрини ўлдириш учун қотил ёллаганди. Унга қаратa отилган иккинчи ўқ жиноятни хаспўшлаш, гумон ва шубҳаларга ўрин қолдирмаслик учун аёл томонидан атайин тўқилганди. Чунки ўша ўқнинг изи йўқ эди.

Эксперт Бахтиёр Ҳамидовнинг хизмат фаолиятида бундай мисоллар оз эмас. Жиноятларни фош этиш, воқеа жойини кўздан кечириш, олинган қўл-бармоқ излари ва ашёвий далилларни синчиклаб кўздан кечириш, изларда яширин сирларни тадқиқ этиш ва аниқ хулоса бериш билан боғлиқ ҳолатлар кўплаб топилади. Айниқса, Жарқўрғон туманида содир этилган босқинчилик, тамагирлик йўли билан амалга оширилган фирибгарлик ёки заргарлик буюмларининг ўғирланиши каби ўнлаб жиноятлар бевосита Бахтиёр Ҳамидов ўтказган экспертиза тадқиқотлари натижасида фош этилди.

Бахтиёр Ҳамидов ички ишлар идораларидаги хизматни 1994 йилда бошлаган. Ўша пайтда эндигина олийгоҳни битирган, малакаси етарли бўлмаган йигитчага тажрибали, излар тилсимотини яхши биладиган эксперт, бугунги кунда истеъфодаги майор Ширин Юнусов устозлик қилди. Капитан Аҳмед Имомов, катта лейтенант Улуғбек Нуруллаев, лейтенант Ғулом Азимов эса бугунги кунда вилоят ИИБ ЭКБ 1-туманлараро экспертиза-криминалистика бўлинмаси бошлиғи, майор Бахтиёр Ҳамидовдан кўп нарсани ўрганяптилар.

Дарвоқе, ушбу бўлинма Термиз шаҳри, Музработ, Ангор, Термиз ва Жарқўрғон туманларига хизмат кўрсатади. Бўлинма базасида ва туман ИИБлари ҳудудида экспертиза-криминалистика фаолияти ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Лаборатория, тадқиқот ускуналари, айниқса, қўл бармоқ излари тадқиқотига алоҳида эътибор берилаяпти. Рақамли фото ва видео имкониятлари воқеа жойини кўздан кечириш жараёнида қўл келмоқда. Бу эса жиноятларни фош этишда суриштирув-тергов ходимларига катта амалий кўмак бўлмоқда. Бундан ташқари, муқаддам судланган, жазо муддатини шартли ўтаётган, жиноятга мойил шахслар қўл бармоқ изларини автоматлаштирилган дактилоскопик идентификациялаш текшируви натижалари жиноятларни тезкор очиш имкониятини янада кенгайтирмоқда.

Бўлинма ходимлари йилнинг ўтган даврида 110 мартадан кўпроқ воқеа жойига чиқдилар. 257 марта жиноят қидирув ходимлари билан тезкор ҳаракатларда иштирок этишди. 197 марта тергов ҳаракатлари билан боғлиқ ҳолатларда воқеа жойидан олган ашёвий далиллар жиноятларни фош этишда муҳим омил бўлди.

Туну кун тиним билмай хизмат қилаётган, суриштирув ва тергов идоралари билан ҳамкор, ҳамнафас, экспертиза-криминалистика ходимлари фаолияти бевосита халқимиз тинчлиги, осойишталиги ва хавфсизлигига йўғрилган. Ана шундай масъулиятли вазифани майор Бахтиёр Ҳамидов бошлиқ бўлинма ходимлари шараф билан бажаришга интилмоқдалар.

**Сафарали ОМОНТУРДИЕВ,**
**«Постда» мухбири.**
*Сурхондарё вилояти.*



***Суратда:** бўлинма бошлиғи, майор Бахтиёр Ҳамидов ва катта эксперт, катта лейтенант Истам Алимов қўл бармоқ излари тадқиқоти устида.*

**ТЕРГОВ АМАЛИЁТИДАН**

# БАРБОД БЎЛГАН РЕЖА

***Ўтган йилнинг сентябрь ойида Самарқанд вилояти ИИБ ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли Жомбой туманидаги Зарафшон давлат қўриқхонаси ҳудудида таркибида каннабис гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимлик етиштирилаётгани аниқланди. Мазкур жиноят ишини фош этишда вилоят ИИБ тергов бошқармаси бўлинма бошлиғи, подполковник А. Ғуломов бошчилик қилди. Шунингдек, терговчи, майор Ш. Шодиев иштирок этди.***

Жиноятчилардан бири юқоридаги қўриқхонада ишлаб, бу ернинг ҳар бир баҳрич ерини яхши биларди. Айнан унда шу ҳудудда ўз «бизнеси»ни ривожлантириш ғояси туғилади. Шу мақсадда у акаси ва бир неча дўстларини жалб этади. Уларга бу фикр маъқул тушиб, ишни бошлаб юборадилар. Нима бўлганда ҳам ҳаммаси силлиқ кўчиши, бегоналар, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг назари тушмаслиги лозим эди. Аввалига қўриқхонанинг энг чекка жойидан ер мўлжалланди. Чайла қурилди, бир неча жойда қудуқ қазилди. Экин майдонига олиб борадиган сўқмоқ йўл танланди. Баҳорнинг илк кунларида таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимлик экилди ва сентябрнинг охиригача авайлаб етиштирилди. Ҳаммалари вақти-вақти билан навбатчилик қилиб, экинга сув қуйиш, ишлов бериш, авайлаб-асрашга масъул бўлдилар. Ўсимлик етиштирилаётган майдон 1085 кв. метрни ташкил этди. Аммо ноқонуний йўл билан мўмай даромад олиш илинжида бўлган мазкур гуруҳ аъзолари ниятига етолмади.

Самарқанд вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ бўлим бошлиғи, подполковник Т. Назаров раҳбарлигидаги ходимларнинг тезкор ҳаракатлари туфайли жиноятчиларнинг режаси барбод бўлди. Ходимлар тиним билмай ҳудудни вертолёт орқали ва пиёда ўрганиб чиқдилар. Аниқланишича, жиноятчилар 3236 туп каннабис етиштираётган экан.

— Ўсимликни олиб чиқиш учун тўртта юк машинаси керак бўлди, — дейди подполковник А. Ғуломов. — Энди ўйлаб кўринглар-а, заҳри қотил қанча-қанча оилаларга зарар етказиши, инсонларнинг ёстиғини қуритиши мумкин эди.

Ножўя йўл билан бойишни мақсад қилган бир гуруҳ шахслар қонуний жазо олиб, ҳозирда жазони ўташ муассасаларида. Уларнинг қилмишлари ҳақида ўйлаб кўриш учун вақтлари етарли бўлади.

**Дилбар САЛОҲИДДИНОВА.**
*Самарқанд вилояти.*

**ҚЎРИҚЛАШ ХИЗМАТИ**

***Фарғона вилояти қўриқлаш хизмати ходимлари ўз вазифасига сидқидилдан ёндашаётгани, муҳофазага олинган объектлар даҳлсизлигига раҳна солувчи хатти-ҳаракатлар тобора камайиб бораётгани аҳоли ишончи ортиб боришига омил бўлаётир.***

# АҲОЛИ ЭЪТИБОРИ ОРТМОҚДА

Ёзёвон тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси фаолиятида ҳам ижобий ўзгаришларни кузатиш мумкин. Бўлинма ходимлари ўз вазифаларидан ташқари жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.

— Жорий йил бошидан янги тўртта объектни муҳофазамизга олдик, — дейди бўлинма бошлиғи вазифасини бажарувчи, капитан Қосимжон Мингбоев. — Ходимларимиз объектлар даҳлсизлигини таъминлашга астойдил ҳаракат қилишаяпти.

Шахсий таркибнинг жисмоний ва касбий тайёргарлигини ошириб бориш диққат марказида. «Ташвиш» хабари орқали махсус ўқув машғулотлари ўтказиб бориш, ходимлар ўртасида турли спорт мусобақалари ташкил этиш ҳам одат тусига кирган. Бундан ташқари, маънавият соатлари ўтказилаётгани ходимларнинг сиёсий онги ўсишида муҳим омил бўлаяпти. Шунданми, бўлинмада хизмат интизомини бузиш ҳолатлари деярли содир этилмайди.

Маълумки, хизмат фаолиятида техник қўриқлаш асосий ўрин тутади. Чунки «Ташвиш» хабарларини ўз вақтида қабул қилиш, раҳна солинган объектларга зудлик билан етиб бориш, хавфни бартараф этиш навбатчилик гуруҳидан катта масъулият талаб этади.

— Биз ҳар қандай вазиятда ҳам ҳушёр ишлашга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди сержант Муҳаммадбобур Мадаминзода. — Сафимиз ғайратли, ўз вазифасига сидқидилдан ёндашувчи йигитлардан иборат. Улар зиммаларидаги вазифаларни шараф билан бажаришаяпти.

Ҳамжиҳатлик, фидоийлик самараси ўлароқ, йилнинг шу даврига қадар 22 та объектнинг ишончли қўриқлови таъминланди. Ходимларнинг ҳушёрлиги натижасида 10 та майда ташмачилик ҳолати ўз вақтида аниқланиб, ўзлаштирилаётган моддий бойликлар қайтариб олинди.

**Қосимжон ОХУНОВ,**
**капитан.**
**Абдувосит СИДДИҚОВ.**
*Фарғона вилояти.*

ОДАМ САВДОСИ – ЖИНОЯТ

# ЮЗИ ШУВУТ ҚАРИНДОШ

**Ҳеч кимга сир эмас, кейинги вақтларда инсонларни турли йўллар билан авраб, мўмай даромад топишга ваъдалар бериб, хорижий давлатларга ноқонуний йўллар билан олиб бориб, маҳаллий «тадбиркор»ларга сотиб юбориш ҳолатлари учрамоқда. Бунинг оқибатида кўплаб ҳамюртларимиз саломатликларини йўқотиб, қийин шароитларда меҳнат қилмоқдалар. Бу каби одам савдоси билан шуғулланаётганлар орасида аёлларнинг ҳам борлиги таажжубланарлидир.**

Андижон туманида яшовчи Гулбаҳор Усмонова ҳам ана шундай қабиҳликка қўл урди. У қариндошларининг ишончини қозониб, хорижда кўп пул ишлаб келиш имконияти мавжуд, деб алдади. Унинг ёлғон сўзларига ишонган яқинлари оиламизга моддий ёрдам бўлар, деган умидда энди 15-16 ёшга тўлган болаларини Гулбаҳорнинг қўлига топширишди.

Бундан икки-уч йил аввал савдо-сотиқ баҳонасида Қозоғистон Республикасига бориб қайтган Гулбаҳор у ерда таниш-билиш орттирди. Улардан бири – Ғаним исмли шахс Гулбаҳорга арзон ишчи кучи кераклигини айтиб, агар бу ишда ёрдам берса уни ҳам қуруқ қўймаслигини таъкидлади. Андижонга қайтган аёлнинг фикри бирданига ўзгарди. Шаҳарма-шаҳар изғиб, насияга савдо-сотиқ қилгандан не фойда? Яхшиси «улгуржи савдо» қилади.

У шундай хаёл оғушида Жалолқудуқ туманида яшовчи қариндоши Ёкутхонникига келди. Гулбаҳор гап орасида Қозоғистонда мўмай даромадли иш борлигини, агар танишлари бўлса уларни олиб кетмоқчи эканлигини айтди. Гулбаҳорнинг гапларига ишонган Ёкутхон қўшниси Мақсудахоннинг олдига кирди. Сабаби, Мақсудахон ўғли Санжарни Россияга ишлаш учун юбормоқчи эканлигидан қўшнисини хабардор қилганди.

— Россиядан кўра Қозоғистон яқин-ку. Бунинг устига ётоқ, еб-ичишдан ташқари ойига камида 200 минг сўм иш ҳақи олади, — деди Гулбаҳор Санжарнинг онасини авраб. — Баҳорда кетишади, кузда келишади. Шундоқ ҳам ўғлингиз бекор юрибди.

Гулбаҳор эртаси куни Хўжаобод туманида яшовчи қариндоши Эргашхон аянинг уйига келди. Уни ҳам алдаб, ўғли Ғиёсни Қозоғистонга олиб бориб ишлашга кўндирди. Унинг навбатдаги найрангига Булоқбоши тумани Учтепа қишлоғида яшовчи қариндоши Бувижон ишониб, ўғли Элёрни Қозоғистонга бориб ишлашига рози бўлди.

Ўз наздида «ўлжа»ларни осонгина қўлга киритган Гулбаҳор қариндошларининг фарзандлари бўлган Санжар, Ғиёс ва Элёрни Сирдарё вилояти ҳудудидаги айланма йўллар орқали Қозоғистон Республикасига олиб ўтиб Ғанимга топширди.

— Ушбу уч йигит сизнинг «буюртмангиз», энди бизнинг «улуш»ни беринг, — деди Гулбаҳор айёрона кулиб. Ғаним Гулбаҳордан йигитларнинг ҳужжатларини қабул қилиб олиб, қўлига бир даста пул берди. Яхшигина даромадни қўлга киритган Гулбаҳор эртаси куни «қаердасан, Андижон?» дея изига қайтди. Арзон ишчиларни қўлга киритганидан қувонган Ғаним уларни ярим тунгача ишлатарди. Асосан буғдой ва пахта экиб, деҳқончилик қиладиган бу киши уларга қулларча муносабатда бўлар, кечалари тун қоронғисида экинларини суғоришга жалб этар, озиқ-овқатидан умуман хабар олмасди. Оғир меҳнат, тўйиб таом емаслик натижасида Санжар билан Элёр учтўрт кунлаб касал бўлиб қолганларида ҳам дала ишларини мажбуран бажаришди. Ёз ойининг ўрталарида улар Ғанимдан иш ҳақларини сўраганларида ҳозир пули йўқлиги, пахта мавсуми тугаса ёки қовунларини яхшироқ нархга сотса албатта, беришини айтиб, уларни алдади.

Фарзандларидан хабар бўлавермагач, қариндошлар тўпланиб Гулбаҳорни излашга тушишди. Уни топиб, ҳол-аҳвол сўрашганда: «Яқинда бориб келдим, яхши юришибди. Иш ҳақларини биратўла олиб, кейин йўлга чиқишади», — деди. Шу орада Санжар қаердандир телефон топиб, бу ердаги вазиятни очиқ-ойдин айтди ва тезроқ олиб кетишларини илтимос қилди.

Шундан сўнг Элёр билан Санжарнинг онаси Қозоғистонга боришди. Лекин Ғаним фарзандларини беришдан бош тортди. Бирор натижа чиқмагач ушбу ҳолат юзасидан ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилишди. Бундан хабар топган Гулбаҳор Қозоғистонга бориб, йигитларни олиб келди. Яхшигина иш ҳақи беришга ваъда берган Ғаним уларнинг ҳар бирига арзимаган пул берди, холос.

Вояга етмаган ёшларни ишчи кучи сифатида қўшни давлатга олиб бориб сотиб, мўмай даромад кўрган Гулбаҳорнинг юзи қариндошлари олдида шувут бўлди. Унинг жиноий хатти-ҳаракатлари жиноят ишлари бўйича Хўжаобод тумани судига кўриб чиқилди. Гулбаҳор Усмоновага нисбатан беш ярим йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

**Фахриддин ТЎХТАСИНОВ.**
**Азизхон БУЗРУКОВ.**
*Андижон вилояти.*

«ИССИҚ ИЗИДА» ОЧИЛДИ

**Кеч соат 20.00 лар чамаси Олтиариқ тумани ИИБ навбатчилик қисмига телефон қўнғироғи бўлиб, «Полосон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Марям Матёқубов номли фермер хўжалиги экин майдони ёнида эркак кишининг жасади ётганлиги ҳақида хабар қилинди. Дарҳол тузилган тезкор-тергов гуруҳи воқеа жойига етиб борди. Бош қисмидан қаттиқ лат еган номаълум эркак киши оламдан ўтган эди. Бироз нарироқда эса мотоцикли аганаб ётарди.**

# ТУНГИ ФОЖИА

Ўз навбатида вилоят ИИБ ЙҲХБ ходимлари ҳам тез фурсатда махсус режа ишлаб чиқиб, вазиятни ўрганишга киришдилар. Туман ИИБ билан узвий ҳамкорлик ўрнатилди. Бу ишга профилактика инспекторлари ва маҳалла фаоллари ҳам жалб этилди. Суриштирув ишлари натижасида мурданинг шахси аниқланди. У «Полосон» қишлоқ фуқаролар йиғини, Ибн Сино кўчасида яшовчи Қ. Ортиқ бўлиб чиқди.

Шу куни вилоят ИИБ ЙҲХБ отряд командири, подполковник Х. Матхолиқов, командир ўринбосари, катта сержант Ш. Мирзақулов, ЙҲХБ ходимлари, сержантлар Ш. Назаров, М. Маҳкамов, М. Собиров, туман ИИБ ЙҲХГ катта инспектори, катта сержант А. Пўлатов ва туман ИИБ тезкор-тергов гуруҳи аъзолари алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

— Кеча кечга яқин бу йўлдан бир трактор ўт юклаб ўтган эди, — деди молларига ўт ўраётган икки йигитча. — Бошқа транспорт воситасини кўрмадик.

Уларнинг бу кўрсатмаси тезкор гуруҳ аъзоларини ҳушёр торттирди. Дарҳол улар айтган тракторчининг уйига йўл олишди. Шу яқин атрофдаги маҳаллалардаги бошқа тракторлар ҳам ҳар эҳтимолга қарши кўздан кечириб чиқилди. Тахминлар тўғри чиқди. Олиб борилган тезкор суриштирув ишлари давомида Ҳамза шаҳарчасида яшовчи А. Шербек ўзига бириктирилган «Т-28» русумли тракторида ўша йўлдан ўтгани, йўл-транспорт ҳодисаси содир этиб, жабрланувчига ёрдам бериш ўрнига жуфтакни ростлагани аниқланди.

Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**М. АҲМАДЖОНОВ,**
**майор.**
*Фарғона вилояти.*

ГИЁҲВАНДЛИК – УМР ЗАВОЛИ

# ИЗЧИЛ КУРАШИШ ЛОЗИМ

***Наманган вилояти ҳудудида ўтказилаётган «Қорадори–2009» тадбирининг биринчи босқичи ниҳоясига етди. Ушбу тадбирга ички ишлар ходимлари билан бир қаторда кенг жамоатчилик ҳам жалб этилди. Маҳаллий ҳокимият, агросаноат, соғлиқни сақлаш тизими, корхона ва ташкилотларнинг вакиллари ҳам кўмаклашди. Ички ишлар ходимларидан иборат махсус гуруҳлар тузилиб, зарур техника, алоқа ва транспорт воситалари билан таъминланди.***

Биринчи босқич давомида 68та қонунбузилиши ҳолати аниқланди. Наркотик моддаларни сотиш, сақлаш, тақиқланган ўсимликларни етиштириш, контрабанда йўли билан чегара ҳудудларидан олиб ўтишга уриниш шулар жумласидандир. Қонунбузарлардан жами 3765 грамм гиёҳвандлик моддалари олинди. 1938 квадрат метр майдондаги кўкнор ва наша ўсимликлари, 3193 квадрат метр майдонда ёввойи ҳолатда ўсаётган, тақиқланган ўсимликлар йўқ қилиниб, айбдор фуқаро ва мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Масалан, Чортоқ шаҳри Булон маҳалласида истиқомат қилувчи Т. Ж. ўз ҳовлисида 14 туп кўкнор ўсимлиги парваришлаётгани аниқланди. Худди шундай вазиятга ички ишлар ходимлари Наманган шаҳрида яшовчи М. Т., Косонсой тумани Ўрта кўча маҳалласидаги С. Р., Тўрақўрғон тумани Ўрта қишлоқ маҳалласидаги К. Х.нинг ҳовлисида ҳам дуч келишди. Рейдлар давомида 53 та ҳолатда фуқаролар томонидан тақиқланган ўсимликларни етиштириш билан боғлиқ жиноятлар аниқланиб, айбдорларга қонуний жазо берилди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Гиёҳвандлик — умр заволи. Кенг жамоатчилик бу балои азимга қарши изчил курашса ҳеч бир она бевақт нобуд бўлган фарзандининг доғида куймайди. Шундай экан, гиёҳвандликка қарши курашда ҳар биримиз фаол иштирок этайлик.

**Сардор САЪДИЕВ,**
**подполковник.**
*Наманган вилояти.*

ТЕЗКОР ХОДИМ ФАОЛИЯТИДАН

***Фирибгарлар тузоғига илиниб, чув тушиб, бор йўғидан ажраб, аттанг деб қолаётганлар ҳамон учраб турибди. Айрим содда кишилар фалончи бойиб кетибди, пистончи анча пул билан келибди, деган гапларга ишониб, уларнинг «ўлжа»сига айланиб қолмоқда.***

Андижонлик Майсара исмли аёл Фарғонага турмушга чиққан. Яшаши яхши бўлсада, ношукурлик қилиб, фирибгарлик йўлига киради. Одамларни сердаромад ишга юбораман деб, алдаб пулини ўзлаштиришни ўзига «касб» қилиб олади. Хотинининг бу кирдикоридан хабар топган эрининг ори келиб, уни уч-тўрт марта инсофга чақиради. Аммо Майсара бу қинғир йўлдан қайтмагач, у билан ажрашади.

Ёши олтмишдан ошган Майсара неваралар олдида уялмади, балки тергаб турадиган эри йўқлигидан хурсанд бўлиб, «фаолиятини» авж олдирди. Водийнинг қишлоқларига бориб, ўзини хорижга ишга жўнатадиган фирма вакиламан деб таништирар, йигит ва қизларни пойтахтга олиб келиб, сохта ҳужжатлар билан уларни хорижга жўнатади. У юборган кишилар борган жойида минг азоб кўриб, аранг ортига қайтади.

# ПАРДОЗИ ИШ БЕРМАДИ

Жабрланувчилар бу ҳақда ички ишлар идораларига мурожаат этгач, дарҳол аёлнинг изига тушдик. У Тошкентда яшириниб юрарди. Аввалига хонадон эшигини ҳеч ким очмади. Анчадан кейин бир аёл чиқиб, келди. Муддаомизни айтгандик, «Майсара исмли аёлни танимайман, бу ерда яшамайди», дея жавоб берди.

Уйга кириб тинтув ўтказиш лозимлигини айтгандик, ҳеч қандай эътироз билдирмади. Ичкарида яна бир кексароқ аёл ва ўзига бино қўйган жувон ўтирарди. Аёлга Майсаранинг суратини кўрсатгандик, у ажабланди. Жувон эса ўзини бепарво кўрсатиб, лабини бурди. Менга жувоннинг кўзлари танишдек туюлди. Яхшилаб тикилгандим унинг ранги ўзгаргандай бўлди. Шерикларим хоналарни текшириб, ҳеч ким йўқлигини айтишганда унинг ҳаяжони босилиб, ўзини бепарво тутишга ҳаракат қилди.

— Сизни безовта қиламан, анави сандиқнинг ичини ҳам кўришимиз керак, — дедим.

Жувон нозланиб, ўрнидан туриб столнинг нариги томонига ўтаётиб, қўли иссиқ чой дамланган чойнакка тегиб ва сесканиб кекса аёлга урилиб кетди. Икки аёл уймалашиб стулдан ағанади. Кекса аёл жон ҳолатда жувоннинг сочини ушлаб қолганди, парик экан қўлига юлиниб чиқди...

**Мақсуд ЖУМАТОВ,**
**майор.**
*Тошкент шаҳри.*

СПОРТ ••• СПОРТ ••• СПОРТ ••• СПОРТ ••• СПОРТ ••• СПОРТ

*Осиё ўйинлари*

## ЎСМИРЛАРИМИЗ СОВРИНДОРЛАР САФИДА

**Сингапурда илк маротаба ўсмирлар ўртасида I Осиё ўйинлари ўтказилди. Қитъамизниг қирқ беш мамлакатидан келган 1300 нафардан ортиқ ёш спортчилар медаллар учун кураш олиб борди.**

Унда ўттиз бир вакилимиз спортнинг сузиш, сувга сакраш, стол тенниси, ўқ отиш, стритбол, енгил атлетика, боулинг каби етти тури бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишди. Кескин ва муросасиз беллашувларга бой бўлган мусобақада уч нафар спортчимиз бронза медали соҳиби бўлишди. Терма жамоамизга дастлабки медални енгил атлетиканинг баландликка сакраш бўйича беллашувда Светлана Прошкина тақдим этди. Спортчимиз 1 метр 68 сантиметр натижани қайд этди. Иккинчи бронза медалига эса уч ҳатлаб сакраш баҳсида муваффақиятга эришган (14 метр 59 сантиметр) вакилимиз Руслан Қурбонов сазовор бўлди. Яна бир умидли спортчимиз Юлдуз Қўчқорова 100 метрга чалқанча сузиш беллашувида 1:04, 07 натижага эришиб навбатдаги бронза медалини қўлга киритди.

Бундан ташқари, вакилларимиздан сувга сакрашда Анастасия Хоменкова, сузиш бўйича Раънохон Омонова, Дмитрий Швецов, енгил атлетика баҳсларида Вероника Семенова, Ирина Асанова, Руслан Қурбонов яхши натижаларга эришишди.

**Р. ОЧИЛОВА.**

## ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ҒОЛИБ

**БОКС.** Қирғизистонда ташкил этилган халқаро турнирда мезбонлар билан бирга Ўзбекистон, Россия, Хитой ва Қозоғистондан келган юз нафарга яқин чарм қўлқоп усталари ғолиблик учун рингга чиқди. Саксон бир килограмм вазн тоифасида барча рақибларини мағлуб этган ҳамюртимиз Аҳрорбек Қурбонов турнирнинг энг яхши боксчиси, деб топилди. Олтмиш тўққиз килограмм вазн тоифасидаги беллашувларда Беҳзод Юнусов ҳам олтин медаль билан тақдирланди.

* * *

**ТЕННИС.** Ўзбекистонлик ракетка устаси Алина Баронова Италиянинг Имола шаҳрида ўтказилаётган халқаро теннис турнирини ғалаба билан бошлади. Моҳир спортчимиз яккаликлар баҳсининг дастлабки босқичида мезбонлар вакиласи Елена Бартоянига қарши кортга чиқиб, 6:0, 6:2 ҳисобида зафар қучди.

Туркиянинг Газиантеп шаҳрида ташкил этилган халқаро теннис турнирининг жуфтликлар баҳсида қатнашаётган яна бир теннисчимиз – Нигина Абдураимова эса австралиялик Жади Хоппер билан биргаликда туркиялик Чағла Азгари ва Экин Кожа дуэтидан 6:1, 6:0 ҳисобида устун келди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

БОЛАЛАР СПОРТИ

## «БИЗ ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИМИЗ!»

**Урганч шаҳридаги Амир Темур номли истироҳат боғида болалар спортини ривожлантириш ҳамда соғлом турмуш тарзини камол топтириш мақсадида «Биз жиноятчиликка қаршимиз!» шиори остида спорт мусобақаси бўлиб ўтди.**

Хоразм вилояти ички ишлар ҳамда халқ таълими бошқармалари ташаббуси билан ўтказилган ушбу спорт тадбирида шаҳардаги ўқув муассасаларида таҳсил олаётган 200 нафарга яқин ёшлар иштирок этди. Мусобақа иштирокчилари 100 ҳамда 3000 метрга югуриш, шахмат-шашка, стол тенниси, тош кўтариш каби спортнинг тўққиз тури бўйича ўзаро куч синашди. Муросасиз тарзда давом этган беллашувда ғолиблар аниқланди.

Ғолиблар ҳомий ташкилотлар томонидан Фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Болаларнинг ёзги дам олиш мавсумини мазмунли ташкил этиш мақсадида ўтказилаётган бундай спорт тадбирлари қизғин давом этмоқда.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Постда» мухбири.**

*Хоразм вилояти.*



### ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Республика ИИВ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмаси Алоҳида милиция батальони ходими, майор **Ўктам МУҲАММАДИЕВ**ни таваллуд топган куни билан самимий табриклаймиз. Унга узоқ ва мазмунли умр, мустаҳкам саломатлик, оилавий хотиржамлик тилаймиз. Хонадонидан файзу барака, чеҳрасидан табассум аримасин.

**Эҳтиром ила батальон шахсий таркиби.**

* * *

Республика ИИВ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмаси Алоҳида милиция батальони милиционери, сафдор **Фахриддин НАРЗУЛЛАЕВ**ни туғилган куни билан табриклаймиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, мустаҳкам соғлиқ, машаққатли хизматларида улкан муваффақиятлар тилаймиз. Доим яхши кунлар ҳамроҳ бўлиб, хонадонидан файзу барака аримасин.

**Эҳтиром ила ҳамкасблари.**

ЭЪЛОН

### ҲУРМАТЛИ ФУҚАРОЛАР!

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жазони ижро этиш Бош бошқармасига соҳага оид қонунбузилиши ҳолатлари тўғрисида 291-68-95 рақамли ишонч телефонига мурожаат этишингиз мумкин.**

**Мурожаат этган шахс тўғрисидаги маълумот сир сақланиши кафолатланади.**

АҚЛ ЧАРХИ

Газетамизнинг шу йил 27 июндаги 26-сонида берилган машқларга шахмат ишқибозлари қўнғироқ қилиб, ўз жавобларини йўллашди. Жумладан, **Андижон вилояти ИИБ ШТИБ бошлиги ўринбосари, подполковник Носиржон Ибрагимов, Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани ИИБ ходими, майор Расул Қаландаров, Тошкеит шаҳар Юнусобод тумани адвокатураси адвокати Баҳром Мухторов, ИИВ Академияси ходими, майор Кайрат Каспаев, Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси 4-АМБ 2-отряд ходими, кичик сержант Фарҳод Ҳамроев**лар машқларга тўғри топишган. Марҳамат, жавобларингизни текшириб кўринг:

**а) 1. Фарзин B1; ОтxB1. 2. РухD4+.**
**б) 1. Фарзин G8; ФилxF6. 2. Фарзин G1+.**

**Навбатдаги машқларда ҳам оқлар бошлаб, иккинчи юришда қораларни мот қилади:**

а)



б)



Жавобларингизни 232-05-51 (факс)га жўнатишингиз ёки 231-48-41, 231-40-92 рақамли телефонлар орқали билдиришингиз мумкин.

САЛОМАТЛИК ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

**Маълумки инсоннинг иш қобилияти, кайфиятининг тушиб кетиши ёки кўтарилиши, саломатлиги яхшиланиши ёки ёмонлашуви атроф-муҳитга, об-ҳавога боғлиқдир. Шунингдек, ёзнинг қуёшли кунларига ҳам.**

## ҚУЁШ НУРИНИНГ ФОЙДАЛИ ВА ЗАРАРЛИ ЖИҲАТЛАРИ

Қуёш нурининг организмга, жумладан, терига таъсири ва унинг натижасида юзага келган ўзгаришлар олимлар эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Ультрабинафша нурининг инсон саломатлиги учун аҳамияти бебаҳолигини яхши биламиз. Чунки унинг таъсирида терида оксидланиш-қайталаниш реакцияси кечади, кальций ва фосфор гомеостазини сақлаб турувчи Д[3] дармондориси синтез бўлади, барча ҳужайралар, шу жумладан, терига пигмент етказиб берувчи меланоцитлар нормал функционал равишда ишлайди.

Бундан кўриниб турибдики, ультрабинафша нури тери касалликларининг асосий даволаш усули ва инсон саломатлиги учун нафақат фойдали омил, балки унга сезувчанлиги юқори бўлган инсонларга салбий таъсир этиб, уларда турли хил тери касалликларини келтириб чиқариши мумкин.

Кўпчилик ёзнинг иссиқ кунларида қуёшга эътибор бермай бош кийимсиз юради ёки чиниқиш мақсадида ўзини офтобга тоблайди. Қуёшда тобланишнинг ҳам меъёрлари мавжуд. Куннинг соат 11.00 ларигача қуёшда сайр қилиш, тобланиш мақсадга мувофиқ. Бу вақтда қуёшнинг ультрабинафша нурлари кўп бўлади ва у организм учун фойдали. Куннинг соат 12.00дан 17.00 гача бўлган вақтида эса қуёшнинг инфрақизил нурлари кўп бўлиб, у организмга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун болалар боғчалари, ёзги оромгоҳларда куннинг биринчи ярми ва иккинчи ярмининг сўнггида очиқ ҳавода сайр қилишлари белгиланган.

Офтоб урганда — ташқи муҳитнинг юқори ҳарорати таъсирида организмда сувлар, минераллар ва тузлар алмашинувининг мутаносиблиги бузилади. Тананинг қизиб кетиши ва терлаш оқибатида организм сувсизланади, қон қуюқлашади, минераллар, тузларнинг одатдаги мутаносиблиги ўзгаради. Натижада офтоб урган одам лоҳас бўлади, боши оғрийди ва айланади, қулоқлари шанғиллайди, огзи қурийди, болдир, қорин мушаклари, тери тортишади, тана ҳарорати 38-40 даражагача кўтарилади. Кўнгли айнаб, қайд қилади, баъзан алаҳсираб, ҳушидан кетади. Кўз қорачиқлари кенгаяди, нафас олиши тезлашади, томир уриши бир дақиқада 140-160 гача етиши мумкин.

Бундай ҳолатларда шифокорлар етиб келгунга қадар офтоб урган кишини дарров соя-салқин жойга олиб ўтиб, кийимбошлари, ёқа, енгларини бўшатиб, тугмаларини ечиб, бошини баландроқ кўтариш, орқаси билан суянчиққа суяб ётқизиш лозим. Кейин эса бошига, айниқса, йирик қон томирлари ўтадиган, яъни бўйиннинг икки ёни, қўлтиғи ва чов соҳасини совутиш чораларини кўриш (муз, совуқ сув) зарур. Беморнинг устига ҳўлланган сочиқ ёки чойшаб ёйиш ва ўраш мумкин. Пиёз суви ёки нашатир спиртини ҳидлатиш, елпиш, кўпроқ суюқлик ичириш лозим.

Шуни унутмаслик жоизки, қизиган ва қизарган терига асло спирт сақловчи воситалардан суртиш мумкин эмас. Чунки у теридаги майда тешикчаларни беркитиб, иссиқликнинг ташқарига чиқишига тўсқинлик қилади. Натижада организмда димланиш жараёни бошланиб, нафас олиш қийинлашади, ҳатто юрак тўхтаб қолиши ҳам мумкин.

Офтоб нуридан оқилона фойдаланиш, иссиқ шароитда оғир ва жисмоний ишлар қилмаслик, зўриқиб ишламаслик, айниқса, спиртли ичимликлар ичмаслик керак. Суюқлик ичиш тартибига қатъий риоя қилиш зарур. Суюқ қилиб дамланган кўк чой, квас, мевали шарбатлар ичиш организмда сув, минерал ва тузларнинг зарур миқдоридаги мувозанати, мутаносиблигини таъминлайди.

**А. МАҲАМАТОВ,**
**ИИВ СЭНБМ катта санитария шифокори, капитан.**

ҲАЁТ СЎҚМОҚЛАРИДА

# АНОР ОСТИДАГИ «ТОПИЛМА»

***Аёлни улуғ зот – она, азиз опа-сингил, севимли ёр сифатида севамиз, ардоқлаймиз. У хонадоннинг фариштали бекаси. У билан оила тўкин, файзли, меҳр-муҳаббатли. Қани энди ҳамма аёлларимиз ҳам саодат, гўзаллик, меҳр-оқибат элчиса бўлса!***

***Суднинг қора курсисида бош эгиб ўтирган аёл ҳам она. Уч фарзандни турмуш ўртоғи билан вояга етказиб ўстирган волида. Лекин у – қотил. Умр йўлдоши, фарзандлари отаси, оиласи таянчининг ҳаётига зомин бўлган аёл. Хўш, у нега бундай қабиҳликка қўл урди? Оиласининг бахтини поймол қилди?***

Шўробод қишлоғида яшовчи Зайнаб Тўева (исм-шарифлар ўзгартирилди) бахти бекам аёллардан бири эди. Сирдарёдан келин бўлиб тушган, 30 йиллик турмуши давомида уч фарзандни вояга етказган файзли оила бекасига ҳамқишлоқ аёллар ҳавас билан қарашгани рост. Аммо жазирама ёз кунларининг бирида рўй берган фожиа барчани ҳайратга солди.

Ўша куни Зайнаб эрта тонгда яхши ниятлар билан уйғонди. Бугун насиб этса ўғли Муҳсинжонга қиз ахтариб совчиликка боради. Қизнинг таърифини кўп эшитган. Оиласи ҳам бинойидек, қўшни қишлоқдаги эътиборли хонадонлардан бири. Яқин дугонасининг ён қўшниси. Унга бугун боришини айтиб қўйганди. Шу боис нонушта пайтида эрига қаттиқ тайинлади:

– Дадажониси, бугун кечга томон совчиликка боришимиз керак. Яна кечагидек ичиб келманг. Уятга қоламиз-а. Иложи борича уйга эртароқ келинг. Улар рози бўлиб турганда ишни орқага сурмайлик.

Халил қўли очиқ, кўнглида кири йўқ, камтарин инсон. Улфатчиликни яхши кўради. Қаттиқ меҳнат қилиш билан бирга, баъзан жўралар даврасида «эриш»ни ҳам билади. Тўрт кунлик дунёда яшаш ҳам керак. Одам одамга ғанимат. Яқин кишилар билан кўришиб, дардингни айтмасанг, кўнгилни очмасанг яшашдан маъни нима. Ана шундай давраларда кейинги пайтда бироз кўпроқ ичган экан, хотинидан гап эшитадиган бўлди. Умр йўлдоши ҳақ, у оиласи обрўйини ўйлайди. Эрининг ароққа ружў қўйган, топганини ичадиган бўлиб қолган, деган ном орттиришидан қўрқади. Аслида ҳар замонда уни тергашидан мақсад ҳам шу.

– Айтганингдек, бўладиган ишнинг бўлгани яхши, онаси, – деди у. – Келинли бўлиб, унинг қўлидан бир пиёла чой ичсак, қанийди. Сенга ҳам қийин. Уй ишларидан чарчаб қолаяпсан. Ўғлимизнинг пешонасидаги шу бўлса, тўйни чўзмасдан тезда бошлаб юборамиз.

Дастурхонга яхши ният билан дуо ўқилди. Ота-ўғил ишга отланишди, Зайнаб супир-сидирни саранжомлаб, томорқага ўтди. У ерда пишиб ётган помидор, бодрингдан бир челак териб олди. Каттагина тоғорани кўзни қувонтириб турган тилларанг узум, тукли шафтолига тўлдирди. Уларни ошхонага олиб бориб, музлатгичга жойлади. Сўнгра эрталаб соғилган сутни пишириб, қаймоғи олинган сутдан қатиқ ивитди. Бу орада уйғонган невараси, 4 яшар Наргиз бувисининг ёнига чиқиб келди. Шаҳарда яшайдиган қизи ўтган ҳафта келганида уни қолдириб кетганди. Шўх, шаддод қиз гапга кирмай, болаларга қўшилиб, шундоққина ҳовли ёнидаги кичик ариққа чўмиламан, деб хархаша қилди. Ҳеч кўнмагандан кейин ариқдан катта тоғорага сув солиб ўтқизиб қўйди. Наргиз сувдан чиқишни истамай салқинда анча яйради. Шунданми, кечаси билан йўталиб, иссиғи чиқди. Эрталабга яқин ухлаб қолганди. Шаҳарнинг «нотиқ» боласи қишлоқ ҳавосига чидармиди? Зайнаб унинг сўлғин, қизариб турган кўзларига қараб яна иссиғи кўтарилаётганини сезди. Неварасини даволашга киришди.

Тушдан кейин дарвозанинг ёнида тўхтаган "Тико"нинг овозини эшитиб, қувониб кетди. Ҳайрият айтганимдек эртароқ келишди, кўнглидан ўтказди аёл. Лекин бу узоққа чўзилмади. Ҳовлига кириб келган эрига тикилиб, унинг яна ичиб олганини сезди. Бундан ҳафсаласи пир бўлди. Авзойи ўзгарди. У қаҳрли кўзларини ўғли Муҳсинжонга қадади. Ўғил бунга жавобан айбдор одамдек бир сўз демай бошини эгди.

Жаҳл чиқса, ақл қочади, дейишади. Зайнабнинг бир зумда барча орзулари саробга айлангандек бўлди. Бу одамни бировнинг уйига қандай олиб бораман? Бу билан обрў олиб бўладими? Эй, худойим, ўзинг менга сабр бер. Аёл қанча уринмасин, ўзини боса олмади, жанжал чиқарди. Унинг эрига эрталаб яхши сўз билан қилган илтимослари зое кетганди. У яна кўзлари қизариб, тиржайиб турарди. Халил қўлини кўксига қўйиб, хотинидан узр сўрагандек бўлди. У ичган бўлса-да, ақлини йўқотмаган, гаплари аниқ ва муросали эди.

– Ҳамма гапинг ёдимда. Бугун сен айтган жойга албатта, борамиз. Фақат бу ишда асло шошилма, – деди у хотинининг жаврашларига эътибор бермай. – Ҳали тўй қиламиз, келинни уйга олиб ҳам келамиз. Лекин ҳозир жуда зарур ишим бор. Муҳсинжон билан чўлга бориб келмасам бўлмайди.

Халил қиладиган ишини хотини билан маслаҳатлашишни хуш кўрмасди. Ундай ҳам эмас, аслида бошлаган ишини охирига етказгач, бирор-бир натижани қўлга киритиб бўлгандан сўнг хотинини ёнига олиб, бир бошдан гапиришга одатланганди. Ўшангача Зайнаб унинг индамай кириб чиқишларига тушунмай, хуноби ошиб, жиғибийрон бўлганича қолаверарди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ярим соат ўтар-ўтмас Халил ўғлини олиб ҳовлидан чиқиб кетди. Зайнаб бир зумда машинага ўтириб кетиб қолган ота-ўғил ортидан қараб қолаверди.

Халил фермер бўлиб, чўлдан ер олган, йигирмага яқин қўйларни ўша ерда кўпайтирганди. Ғалла, пахтачилик билан машғул эди. Ер меҳрни, парваришни хуш кўради. Кимёвий озуқа кейинги пайтда анқонинг уруғи бўлган. Нархи осмонга чиқиб кетган. Кутилмаганда Халил шу муаммони ҳал этиш йўлини топди. Бир танишидан арзон нархда кимёвий озуқа олишга келишди. Шуни чўлга олиб бориш зарур бўлиб қолганди. Таниши ҳам ўзининг синфдоши бўлиб, у шаҳарда яшар, Халил бир неча йилдан буён уни кўрмаганди. Яқинда қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига ишга ўтган синфдоши ҳокимлик вакили билан унинг ерларини текширишга келиб қолди. Ўн йиллик синфдош билан шу баҳона бирга тушлик қилишди. Учрашувни "ювишди". Бир йўла кимёвий озуқа муаммосини ҳам шу ўртоғи ҳал қилиб берди.

Аёл бир пасда барча режалари барбод бўлганидан ўкиниб кетди. Ахир соат ўн олтига яқинлашаяпти. Чўлдан ота-боланинг ярим тунда келиши аниқ. Эри унинг кўзига ёмон кўриниб кетди: Кунбўйи совчиликка бораман, деб нималарни орзу қилмаганди. "Ичкилик ўлсин, унга тоза муккасидан кетаяпти. Бундай эр билан бировнинг уйига нима деб бораман? Бўлажак қудаларим олдида юзим шувут бўлади-да. Улар роса бизни кутишгандир, қандай кунларга қолдим." У хаёллар гирдобида ич-этини еб, оёқлари остида инқиллаб турган неварасини қўлига олди. Қайнукалари, овсинлари қишлоқдаги тўйга борамиз, деб келишганда неварасининг бетоблигини рўкач қилиб уйдан чиқмади. Эрининг келишини кутди. Ғазабдан Халилни ўша, Тошкентда, ҳунар мактабида учратиб, севишган кунларига лаънатлар ўқиди. Аёлнинг шу куни тун яримдан оққанда ҳам жаҳли босилмади.

Эшикдан ўғли билан кириб келган, мастлигидан оёғида зўрға турган эрини кўриб яна жазаваси қўзғади. Ўзи билмаган ҳолда унинг ёқасига ёпишиб кетди. Уйга кайфияти чоғ бўлиб кириб келган Халил баджаҳл хотинига кўзи тушиб, сал ўзига келгандек бўлди. Унинг гаплари ёдига тушди. Ҳаммасини тушунтирмоқчи бўлган эди, хотини эшитишни истамади. Ичиб олган эмасми, унинг беўхшов қилиқлари жонига тегиб, сўкина бошлади. Ёқасига ёпишган қўлларини силтаб олиб ташлашга уринди. Ота-онасининг ёқалашиб кетганини кўрган Муҳсинжон онасига ёрдамга шошилди. Қўлига тушиб қолган таёқ билан отасининг бошига туширди. Кутилмаган зарбадан ва хотинининг қаттиқ итариб юборганидан гандираклаб кетган Халил ерга юз тубан йиқилди. Она-ўғил ҳушини йўқотган отани ҳовлидаги сўрига ётқизишди.

Орадан анча вақт ўтгач ҳушига келган Халил хотинини сўка бошлади. Ўзини бошқа идрок эта олмаган аёл ҳолсиз ётган эрига ташланиб, кучи борича бўғди. Зайнаб тинчланиб қолган Халилнинг бўйнидан қўлини олганда у ҳаётдан кўз юмганини англади.

– Ўғлим, отангни ўлдириб қўйибмиз-ку?! – деди онасини ҳимоя қилиш мақсадида отасининг оёқларини босиб турган Муҳсинга. – Энди уни гумдон қиламиз, жиноятни яшириб, жасадни кўздан йўқотишимиз керак.

Она-бола биргалашиб чорбоғдаги икки анор дарахти орасига жасадни кўмиб «катта ташвиш»дан халос бўлишди. Бу муаммонинг бир томони. Унинг иккинчи томони ҳам бор. Халил кимсасиз, етим эмас-ку! Унинг йўқолиб қолишига ҳеч ким жим қараб турмайди. Қолаверса, қариндош-уруғлари, яқинлари, ҳамқишлоқларига нима дейди.

Бир зумда қотилга айланиб қолган аёл қилмишини тушуна бошлади. Миясида вазиятдан қутулишнинг турли йўллари чарх урди. Лекин бу узоққа чўзилмади. У муаммонинг ечимини топгандек бўлди. Эрта тонгда онасининг маслаҳати билан оғилхонадаги сигирни ўғли етаклаб бозорга олиб чиқди. Зайнаб эрини сўраб-суриштирганларга: "Сигирни сотиб, пулини ўзи билан Самарқандга олиб кетган" деган гап тарқатди. Унинг ошқозонида дарди бўлиб, ҳар замонда даволаниш учун табибларга бориб туришини ҳамқишлоқлари яхши билишарди.

Самарқандга даволанишга кетган одам ахир бир кун уйга қайтиб келиши керак-у?! Ойлар, кунлар ўтиши билан Халилнинг бедараклиги, ундан хат-хабар йўқлиги кўпчиликни, ҳатто ички ишлар бўлими ходимларини ҳам ташвишга солди. Халилнинг ота-онаси ўғиллари йўқолиб қолганини Зайнабдан кўриб, уни ҳовлидан қувиб солишади. Зайнаб фарзандларини олиб, турмушга чиққан қизи Зарнигорнинг уйида, Бухоро шаҳрида вақтинча яшашга мажбур бўлди.

Орадан тўққиз ой ўтди. Баҳор келганда она-ўғилнинг машъум иши юзага чиқиб қолди. Хонадондаги келин ерга экин экаётган вақтда жасаднинг оёғига кўзи тушди. Мурда топилганидан воқиф бўлган аёл барча қилмишига иқрор бўлди.

Зайнаб 30 йиллик турмуш ўртоғининг ҳаётига қасд қилиб, оғир гуноҳга ботди. Бахтли, саодатли оиласини барбод қилди. Фарзандлари, азиз ўғиллари номига доғ туширди.

Қўни-қўшнилар, яқин қариндошлар Халилни беозор, дилкаш инсон эди, деб хотирлашади. Йигитчиликда ичкилик бўлиши бор гап. Ичиб келган, маст одам билан баҳслашишнинг эса фойдаси йўқ. Қолаверса, турмуш ўртоғининг феъл-атворини Зайнаб билмасмиди? Ичган одамни жойига ётқизиб, барча муаммо ва дарду дунёсини ҳушёрлигида тўкиб солса, фожиа рўй бермаган, аёл қора курсида ўтирмаган бўлармиди. Оила бахти-саодати аслида аёл билан. Чунки унинг сабр-тоқати, инсонийлиги, зеҳни, оқилалигида гап кўп. Ниятимиз сафимизда оқила, доно ва меҳр-муҳаббатли аёлларимиз кўпайсин. Хотин-қизларнинг қўли асло қонга булғанмасин.

**Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА,**
**журналист.**

*Бухоро вилояти.*

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН



Бекобод шаҳар ИИБ томонидан 1985 йилда туғилган, Бекобод шаҳар А. Набиев кўчаси, 16-уйда яшаган **Жамшид Жуманазарович Мирзааҳмедов** бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда. У 2007 йилнинг 26 ноябрь куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 180-185 см, сочи қора, қошлари, кўзлари қора, қулоқлари ўртача катталикда.

**Кийимлари:** қора куртка, тўқ яшил жемпер, кўк ичкийим, қора гамаж, трико, ҳарбийларнинг ярим қўнжли этиги бўлган.

**Алоҳида белгилари:** ўнг билак қисмида 5-6 см чандиғи ва белида холи бор.

**Ж. Мирзааҳмедовни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Бекобод шаҳар ИИБ ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

## ҚИДИРИЛМОҚДА

Сурхондарё вилояти Бойсун тумани ИИБ томонидан жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрган, 1969 йилда туғилган, Бойсун тумани Сангчил маҳалласида яшаган **Илҳомиддин Маҳмадкаримович Тўраев** қидирилмоқда.

**Белгилари:** бўйи 160-165 см, кўзлари қисиқроқ, қиррабурун, қошлари қора, сийрак, ёйсимон, пешона қисмидаги сочи тўкилган.

**И. Тўраевни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Бойсун тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

## ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

2009 йилнинг 14 июнь куни Сирғали тумани ҳудудидаги И. Ёқубов ва Қурувчилар кўчалари кесишган чорраҳада «МАЗ-5549» русумли автомашина ҳайдовчиси томонидан европа миллатига мансуб, ёши 65-70 ларда бўлган аёл киши уриб юборилган. Жабрдийда касалхонада вафот этган.

**Белгилари:** сочи оқ-сариқ, калта.

**Кийимлари:** жигарранг трикотаж гамаж, енги калта кофта, сандалда бўлган.

**Алоҳида белгиси:** сариқ металлдан ишланган тишлари бор.

**Номаълум аёлни таниган, у ҳақда бирор маълумотга эга фуқаролардан Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармаси ЙТҲ тергов бўлимига мурожаат қилишларини сўраймиз.**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти, Ҳайъати ва Фахрийлар кенгаши вазирлик Ташкилий-инспекторлик бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи, полковник Ҳ. Сарабековга онаси

**ЎҒИЛОЙ аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби республика ИИВ Ташкилий-инспекторлик бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи, полковник Ҳ. Сарабековга волидаи муҳтарамаси

**ЎҒИЛОЙ аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги полковник Н. Тоштемировга турмуш ўртоғи

**БЎРИГУЛ аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши вилоят ИИБ ППХ батальони командирининг ўринбосари, майор Н. Саидовга падари бузруквори

**ТАҒО отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бўлим бошлиғи, подполковник

**Умар ЮЛДАШЕВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Бешариқ тумани ИИБ бошлиғи, подполковник М. Мамадалиевга падари бузруквори

**БОБОЖОН отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

# ТАФАККУР ГУЛШАНИ

Эркин АЪЗАМ

## ЖАННАТ ҚИДИРИБ...

Тўрт-беш йил бўлди – хорижда узоқ муддатли хизмат сафарида юрган дўстим ҳовли сотиб олиш ниятида эканини айтиб, суриштириб кўришни илтимос қилди. Газетадаги эълон бўйича телефонда бир одам билан «савдолашдим». Ҳовлининг нархини эшитиб капалагим учиб кетди. Эгаси шунга ёндош ичкари ҳовлисини таърифлаб (бассейн, сауна, биллиардхона, қишки боғ), уни ҳам қўшиб сотишини айтди. Бунисининг баҳоси олдингисидан бешбаттар эди. «Ўзим Америкага кўчиб кетяпман, – деди у. – Инсон дунёга бир марта келади, яшагандан кейин одамга ўхшаб яшаш керак-да». «Ҳар ерда бордир тошу тарозу» нақлини эслатиб, Америкада ҳовли-жой қилиш осон эмасдир-ов, деган мазмунда сўз бошлаган эдим, «Биламан, уч марта бориб келдим. Уй-жойим тайёр, вилла сотиб олганман, – деди суҳбатдошим. Кейинги изоҳи эса мени батамом лол қолдирди: – Кўриб турибсиз, оғайни, Ўзбекистонда тирикчилик қийинлашиб кетди. Эшитгандирсиз, кеча нон яна қимматлашган эмиш...»

Майли, биродар, ўзингизча жаннатни кўзлаб турган экансиз, нима дердик – оқ йўл! Аммо мутлақо махфий сир бўлсада, ҳижрат олдидан биргина саволга жавоб бериб кетсангиз: шунча мол-мулк, шунча сармояни қаердан, қай йўсинда топдингиз? Америкадан орқалаб келмагандирсиз, ҳойнаҳой? Ё чўлу биёбонда бир ўзингиз дастгоҳ ўрнатиб, доллар ишлаб чиқармагандирсиз? Мана шу «нони қиммат» юрт, шу юртдаги ватандошларингиз туфайли орттирилмаганмиди ўша сарват?! Қора қозонини қайнатиш илинжида эртаю кеч тер тўкиб юрганлар қанча, биласизми? Улар нима қилсин?..

Урганчни ёғий босганда, «Шайх оёқ остида қолмасунлар, ўғлон ва ушоқлари бирлан қалъадан чиқиб кетсунлар, деган таклиф бўлди. Ҳазрати Шайх айтиб юбордиларким, яхшиликда мен бу халқнинг тамоми бирлан ошно ва дўст-ёр эрдим, эмли ёмон кунда нечук буларни ташлаб борайин...» Нажмиддин Кубро жон сақлаш имкониятини рад этибгина қолмай, душманга қарши юзма-юз жангга киришиб, ватан озодлиги йўлида ҳалок бўлгани маълум.

Яхши яшашни, фаровон турмушга интилишни тақиқлаб бўлмайди, албатта. Чет элларга чиқиб маблағ орттириб келиш (қайтиб келиш!) ҳам олқишга лойиқ ташаббус. Қолаверса, эркин дунёнинг қонунларига кўра, қайси юрт, қай минтақада умр кечирмоқ – ҳар кимнинг шахсий иши. Лекин қаерда, қай манзилда дунёга келмоқ, қай гўшада киндик қони тўкилмоғи – бу энди бандасининг шахсий иши эмас, бу – тақдири азал, қисмат. Ана шу қисмат рўй берган маконни эса ватан дейдилар. Ватан – муқаддас, уни севмоқ, унга садоқат иймондандир. Аксинча – уни қадрламасликни, синов кунларида уни ташлаб, хаёлий жаннат қидириб юрганларни нима деб атамоқ керак? Эртага бир кун Ватан қаддини ростлаганида улар яна қозоннинг бошида пайдо бўлиб қолмасмикан? Ўшанда нима важ қилишаркан? «Инсон дунёга бир марта келади, яшагандан кейин туғилиб ўсган юртда яшаш керак-да...»

Бизга ўхшаган лодонларни кўринг, одамзод дунёга икки маротаба келади, деб ўйлар эканмиз, чоғи...

Ватанинг нечта, ватандош?..

**«Жаннат ўзи қайдадир» китобидан.**

### ЖАҲОН ФАЙЛАСУФЛАРИ

## ПИФАГОР

*(Милоддан аввалги 576-496 йиллар)*



Жанубий Италиянинг Регия шаҳрида туғилиб ўсган қадимги юнон файласуфи Пифагор Мнесарх исмли кишининг фарзанди бўлган. Отаси уни хизмат сафарига доимо ўзи билан олиб юрган. Оқибатда Пифагор қизиқувчан ва янги нарсаларни билишга интилувчан бўлиб ўсади. У файласуфлар Анаксимандр ва Ферекиднинг шогирди бўлган. Пифагор узоқ вақт давомида Мисрда таҳсил олган. У ҳеч қачон йиғламаган ва умуман эҳтирос ҳамда ҳисҳаяжонга берилмаган.

Пифагорнинг «Табиат ҳақида», «Давлат ҳақида», «Тарбия ҳақида», «Жон ҳақида», «Олам ҳақида», «Илоҳий калом» каби асарлари маълум. У ҳаётининг мазмунига оид қарашларига «фалсафа», деб ном берган биринчи донишманд эди.

### *ПИФАГОР ҲИКМАТЛАРИ*

**Донишмандлик ибтидоси: фикрлашни ўрганиш, вайсақиликка барҳам бериш.**

* * *

Ўтган кун ҳақидаги: «Мен уни қандай ўтказдим, нималар қилдиму, нималарга улгуролмадим?» – деган саволларга жавоб топилмагунча кўзларинг уйқуга кетмасин.

* * *

**Одамлар! Энг аввало эзгу ахлоққа эга бўлишга ҳаракат қилинг, зеро, ахлоқ қонуннинг асосидир.**

* * *

Тартиб сенинг муқаддас мақсадинг бўлсин. Сен бу мақсад йўлида астойдил хизмат қил. Чунки тартиб ҳамма нарсанинг мажмуасидир. Табиатнинг мавжудлиги асосида ҳам тартиб ётади.

* * *

**Тинглаш ва сукут сақлаш сени доноликка етаклайди. Сукут – доноликнинг бошланиши.**

* * *

Рафиқаси билан муросага келолмаган одамни дўст тутма.

### ЕТТИ КУН САБОҒИ

**ҲОЖАТБАРОРЛИККА НЕ ЕТСИН**

– Қандай одам ўзини ҳеч қачон айбдор санамайди?

– Ҳеч қачон ҳеч кимнинг ҳожатини чиқармаган одам.

– Қандай одам ўзини ҳар доим айбдор санайди?

– Ҳар вақт ҳамманинг ҳожатини чиқариб юрган одам.

**ТУҒИЛГАН КУННИНГ ҲАМ ФАРҚИ БОР**

– Ўғилнинг туғилган куни ота-она учун қандай кун?

– Ўтган умрига туғ илган кун.

– Қизнинг туғилган куни ота-онага қандай кун?

– Қолган умрига тиғ илган кун.

**ОТА ВА БОЛА**

– Бу ҳаётда одамнинг айбини ким яширади?

– Отаси.

– Бу ҳаётда одамнинг айбини ким очади?

– Боласи.

**ПУЛ ТОПИЛАР, ЙЎЛ ТОПИЛАР, АММО...**

– Ўзининг пулини ўйламай ишлатган нимани йўқотади?

– Пулини йўқотади.

– Бировнинг пулини ўйламай ишлатган одам-чи?

– Йўлини йўқотади.

**БИРИДАН ОХ, БОШҚАСИДАН ВОҲ...**

– Нима учун дўст билан душманни ажратиш қийин?

– Чунки икковиям панд беради. Фақат бири бошингга беради, иккинчиси оёғингга.

**Шуҳрат РЎЗИЕВ, подполковник.**




*Пойтахтдаги Кўкалдош мадрасаси.*

*Абу КЕНЖАЕВ сурат-лавҳаси.*

### ДОНОЛАР БИСОТИДАН

## ҲАЁТНИНГ ФАЛСАФИЙ НУҚТАСИ

• Ҳамманинг дунёни ўрганадиган ўз услуби бор. Уники менга, меники унга тўғри келмайди. Фақат шунинг учунгина уни ҳурмат қилмаслигим инсофдан эмас.

• Муҳаббат беғубор ва тушунарли, изоҳлар ва таржимага муҳтож эмас.

• Омад бизга қандай ёрдам бераётган бўлса, унга ҳам шундай ёрдам қилишимиз учун кўлдан нимаики келса, қилишимиз лозим.

• Танлаган йўлингдан қанчалик олға кетсанг, у сенинг ҳаётингни шунчалик кучли бошқаради.

• Агар кунлар бир-бирига ўхшаса одамлар ҳар куни қуёш чиққандан бошлаб, ўз ҳаётларида юз берадиган гўзал ҳодисаларни илғамай қўядилар.

**Пауло КОЭЛО.**

### ИБРАТЛИ ҲИКОЯТЛАР

## ХАСИСЛИК ЁМОН ОДАТ

Ҳазрат Жалолиддин Румий маснавийсида хасисликнинг ёмонлиги ҳақида сўз юритар экан, бир хасис одамнинг ҳикоясини келтиради. Хасислиги билан ўз замонасида донг таратган бир бадавлат одам бор экан. Бу давлатманд одам энг хасис, энг зиқна одам сифатида машҳур бўлибди. У бир куни жомеъга жамоат билан намоз ўқишга борди. Жомеъда намознинг суннатини ўқиб бўлиб, бирдан: «Уйдаги чироқни ўчирганмидим, ўчирмаганмидим», деб ўйланиб қолди. Шу заҳоти шошилиб туриб, уйига борди. Эшикни тақиллатди. Хизматчи «Ким у?» деб овоз берганида, хасис:

– Тўхта, эшикни очма! Хонамдаги чироқ ёниқ бўлса, ўчириб қўй, ёғи тугаб қолмасин тағин, – деди.

Хизматчи:

– Хўп, афандим. Чироқни ўчиришни тушундим, аммо нега эшикни очмайин, тушунмадим, – деди.

Хасис одам:

– Эшикнинг ошиқ-мошиғи едирилмаслиги учун, – деб жавоб берди.

Хизматчи:

– Қойил, афандим, аммо сиз масжиддан бу ерга келгунча пойафзал эскиришини ўйламадингизми? – деди.

Хасис:

– Сен нима, тентакмисан? Мени яхши биласан, масжиддан келгунча пойафзалимни эскиришга қўяманми? Пойафзалимни қўлтиғимга қисиб олиб, ялангоёқ келдим, – деди.

**Хасисликни Аллоҳга нисбатан бир нонкўрлик деб тушунмоқ керак, чунки Аллоҳ берган неъматлардан ўз ўрнида фойдаланилмайди, ишлатилмайди. Хасислик шайтоннинг дўсти, ҳамкоридир. Шайтон хасисларни фақир бўлиб қоласиз, деб қўрқитади.**

**«Ҳикматлар хазинаси»дан олинди.**

ISSN 2010-5355

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI**

MUASSIS: **O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI**

Bosh muharrir o'rinbosari **Aleksandr VORGUDYAYEV**

Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi – **Azizjon FAYZIYEV**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:** 231-30-40; 231-33-88; **Faks:** 232-05-51.
**E-mail:** urmvd@inbox.uz

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart.
Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-7721. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 56542 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

**MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.**